



Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 23-avgust, chorshanba № 67 (9028)



Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi oldidan



Ra'fat - ijodkorga qanot ba'qishlaydi

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Медиа-холл»ида «Энг улуг, энг азиз» республика кўриқ-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, адабиёт, маданият ва

санъат намояндalari, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йигирма йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур танловда ғолиб ва совриндорларни беш йўналиш

бўйича аниқлаш ва уларни Мустақиллик байрами арафасида тақдирлаш анъанага айланган. Жумладан, бу йил ҳам кўтаринки руҳда қизгин жараёнларга бой ўтган ижодий беллашув орқали белгиланган номинациялар бўйича муносиблар меҳнати рағбатлантирилди.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси эртага - 2017 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун - 2017 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсесида рўйхатга олинади.



Jarayon

Кўшимча қабул

қандай тартибда амалга оширилади?

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳужжат топширган абитуриент Юлдаз Зиёдуллаева тест синовидан 156,6 балл тўплади. Бу ўқишга қабул қилиниши учун етарли бўлмабди. У ҳужжат топширган хорижий тил ва адабиёти йўналишига қабул чегараси 157,4 баллни ташкил этган экан. Унга бор-йўғи 0,8 балл етмай қолган. Вазият Юлдузнинг руҳиятига бироз таъсир қилган бўлса-да, эълонлар тахтасидаги тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича кўшимча қабул тартиб-қоидалари тўғрисидаги маълумот кўнглига таскин берди. Дарров университет қабул комиссияси масъул котиби ўрал Ёриевага мурожаат қилди.

— Тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси бўйича кўшимча қабул ўтиш балини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган балига мувофиқ кетма-кетлик тартиби сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилади, — деди ў. Ёриева. — Кўшимча қабул 2 хил категория бўйича амалга оширилади. Биринчиси — тўплаган бали қабул чегарасига 4 балгача етмаган абитуриентлар, иккинчиси — 68 баллдан кўп тўплаган абитуриентлар.

(Давоми 2-бетда.)

Ватаннинг мустақкам мафкуравий ҳимояси

“Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўнайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қароридан.

Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз шаҳар ва туманларида “Маънавият — энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз” тамойили асосида тарғибот ишлари давом этмоқда. Шундай шуқуҳли кунларда Президентимизнинг ҳалқимиз маънавий ҳаёти учун ўта муҳим қарори қабул қилинди. 2017 йил 28-июлда имзолан-

ган “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги мазкур қарор миллий маънавиятимиз тарихининг ёрқин воқеаларидан бири бўлди. Маънавият ва маърифат, тарбия соҳасини янги босқичга кўтаришнинг ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий, молиявий



Munosabat

шарт-шароитларини яратиб берди.

Ўтган йиллар давомида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бу борада жуда катта ишлар қилинди. Бироқ мавжуд тизим дунёда йил сайин кучайиб бораётган глобаллашув, янги таҳдид ва хатарлар, мураккаб ва таҳликали вазият талабларига жавоб бермаётган, мавжуд ҳолат, бажарилган ишларни танқидий баҳолаш, замон шиддатига мос равишда такомиллаштириш талаб этилаётган эди. Қарор ўта муҳим ташкилий, методологик, ҳуқуқий янгилик ва хусусиятларга эга. Унинг айрим жиҳатларига тўхталамиз.

(Давоми 3-бетда.)

Газетани
бараққатганда.



Истиқлол
имкониятлари
оддий инсонлар
тақдирини
ёркин из
қолдирмоқда

5-бет



Тафаккур
озуқаси —
мутолаа

8-9-бетлар

Кўшимча қабул

қандай тартибда амалга оширилади?

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунда тўплаган бали қабул квотаси чегарасига 1 балгача етмаган абитуриентлар тасдиқланган тўлов-контракт суммасининг 1,5 баробари, 1,1 балдан 2 балгача 2,0 баробар, 2,1 дан 3 балгача 2,5 баробар, 3,1 дан 4 балгача 3,0 баробари миқдорида тўлаши белгиланган. 68 балдан кўп тўплаган абитуриентлар эса амалда белгиланган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ оширилган тўлов-контракт миқдорида тўлов тўлаш шарти билан кўшимча равишда ўқишга қабул қилинади. Сизнинг ҳолатингизда тўлов-контракт суммасининг бир ярим баробари тўланади. Агар шунга имкониятингиз мавжуд бўлса, маркетинг бўлимига кириб, ўқишга қабул қилиш бўйича ариза топширишингиз мумкин. Аризалар тест синови натижалари эълон

қилинган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Бу жавоб Юлдузни қувонтирди. Бояги кичик умиди катта ишончга айланиб, маркетинг бўлимига отланди. Ариза ёзди.

— Ариза ёзиш жараёнида ҳеч қандай оворагарчилик, сансалорлик, сунъий тўсиқлар қўзатилмади, — дейди Юлдузнинг онаси, Қарши тумани иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Наргиза Мухаммадиева. — Қизим 3-4 йилдан бери ўқишга қаттиқ тайёргарлик кўрарди. Имтиҳонда бирозгина омад етишмади. Шундай бўлса-да, унга талабалик имконияти берилмоқда. Энди фақат якуний қарорни кутиш қолди.

Маркетинг бўлими бошлиғи Сайёра Атаханова кўшимча қабул жараёни босқичлари ҳақида янада муфассалроқ маълумот берди.

— Ҳозир олий таълим муассасасида аризаларни

қабул қилиш жараёни кетмоқда. Ўқийман, илм эгаллайман дея мурожаат қилган талабгорлар сони 1100 нафардан ошди. Ҳали кўшимча қабул квоталари аниқ эмас. Университетдаги моддий-техник база, профессор-ўқитувчилар салоҳияти ва бошқа омиллар инobatга олинган ҳолда, кўшимча қабул бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва 15 октябрга қадар давлат комиссиясига тақдим этилади. Давлат комиссияси эса олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида оширилган тўлов-контракт шарти билан абитуриентларни кўшимча қабул қилиш кўрсаткичлари тўғрисида 20 октябрга қадар қарор қабул қилади. Давлат комиссияси қарори билан белгиланган таълим йўналишлари кесимидаги квоталар доирасида оширилган тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган абитуриентлар жорий

йилнинг 30 октябрга қадар тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажаргандан сўнг олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан ўқишга қабул қилинади. Айни пайтда тўплаган бали қабул чегарасига 4 балгача етмаган абитуриентларни сентябрданок ўқув жараёнига жалб этиш режалаштирилмоқда.

Талабаликка даъвогарлар орасида кириш синовларида қайд этган натижаси энг юқори баллнинг 30 фоизи (68,0 балл)дан кам бўлмаган натижани қайд этган, кириш чегарасига 4 балгача етмаган категорияга мос келмайдиган абитуриентлар ҳам бор.

— Фарзандим Шахноза Абдуғаниева 131,5 балл тўплаган, у топширган таълим йўналишида қабул чегараси 136,9 ни ташкил этади, — дейди Дилноза Мухаммадуюпова. — Ўртадаги фарқ 5,4 баллни ташкил этади.

Мазкур ҳолатда биз амалда белгиланган тўлов-контракт миқдорига нисбатан 10 баробардан ортиқ тўлов тўлаш шарти билан кўшимча қабулга ариза беришимиз мумкин экан. Қизимизнинг ўқишини жуда истаймиз. Кўшимча қабулга киришни истовчилар учун ҳам банкларда таълим кредитлари ажратилса, бизга қулайликлар яратилган бўлар эди.

Ҳа, тест синовларида ҳаяжон кучлилиги сабаб етарли натижа кўрсатолмаган ёки рақобат кучлилиги боис юқори балл тўплаган бўлса-да, қабул қилишга етолмаган абитуриентлар кўпчилигини ташкил этади. Жорий йилги танловда республика бўйича бир ўринга ўртача 10,9 нафар абитуриент тўғри келди. Бундай вазиятда билимидан билимли бўлади. Ўқишга киришмаганларга берилаётган кўшимча қабул имконияти олий таълимнинг дастлабки ва муҳим бўғини бўлган қабул жараёнига тақомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Ўқитувчилар янгиликлардан бохабар қилинмоқда

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари якуний паллага кириб, ўқитувчи-педагогларни халқ таълими тизимидаги янгиликлардан бохабар этиш, услубий-методик тайёргарлигини мустаҳкамлаш мақсадида анъанавий август кенгашилари ўтказилмоқда.

Ялпи ва шўба йиғилишларида таълим-тарбия тизимидаги муаммо ва камчиликлар, ўқитиш сифатини ошириш, педагоглар масъулиятини кучайтириш масалалари чуқур таҳлил этилмоқда. Жумладан, Пахтакор туманида ўтказилган шўба йиғилишларида бу жиҳат кўзга яққол ташланди.

— Бу йил халқ таълими тизимида янгиликлар жуда кўп, — дейди туман халқ таълими бўлими гуруҳ раҳбари Исомиддин Абдурахимов. — Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низом янги тахрирда тасдиқланди, янги давлат таълим стандартлари, 11 йиллик мажбурий ўрта таълимнинг 2017-2018 ўқув йили режаси ва дастури ишлаб чиқилди. Янги ўқув йилидан 10-синфлар учун 12 та фанни ўқитиш кўзда тутилмоқда. Шўба йиғилишлари ҳамда 10-синфларга дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилган ўқув семинарида 40 нафарга яқин тренер педагогларимиз малака оширди. Мазкур янгиликларни барча фанлар кесимида ўқитувчиларга етказишга, зарур маълумотлар беришга ҳаракат қилиялми. Тажрибали педагоглар маҳорат дарсларини ўтмоқда.

Йиғилишда бошланғич таълимдаги янгиликлар, ноанъанавий дарс ўтиш усуллари хусусида ҳам зарур маълумотлар берилди. — Бошланғич таълим — узлуксиз таълимнинг асосидир, — дейди тумандаги 9-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Дилафрўз Хусенова. — Компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурлари асосида ишни ташкил этиш, 1-синф ўқувчисининг ўқув жараёнига мослашувини таъминлаш, иқтидорли болалар билан тизимли ишлаш, математика фанига дастурлашнинг содда элементларини сингдириб ўқитиш талаби кўйилмоқда. Йиғилишда шу мавзуларда фикрлашиб, керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жисмоний тарбия фани бўйича шўба йиғилишида ҳам янги ўқув йилидан жорий этилган ўзгаришлар муҳокама қилинди.

— Ёш авлодни соғлом вояга етказишда жисмоний тарбия дарсининг ўрни катта, — дейди тумандаги 4-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Жамшид Саттиев. — Дарсда ўқувчиларнинг назарий билим эгаллаши ва уни амалиётда қўллашда устозларнинг маҳорати муҳим роль ўйнайди. Шўба йиғилишларида тажрибаларимизни ўртоқлашиб, муаммоларга ечим топишга интилдик. Мисол учун, ўтган ўқув йилида ўқувчиларимиз "Умид ниҳоллари", "Ёз — 2017" спорт ўйинларининг туман босқичида 1-ўринни эгаллашди. Бу натижага эришимиз сабабларини ҳам касбларимга сўзлаб бердим. Ўзим ҳам тажрибали устозлардан дарс ва машғулотларни қизиқарли ташкил этиш усуллари ўргандим.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Жиззах вилояти

Сурхондарё вилоятидаги 94 умумтаълим мактаби, 16 академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, Термиз шаҳри ва туманлардаги 149 деҳқон бозорида йўлга қўйилган мактаб бозори ярмаркаларида 26 турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар ва мактаб формаси савдога чиқарилган.

— Янги ўқув мавсумига пухта ҳозирлик қўрилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Пардаев. — Худудларда ташкил этилган мактаб бозорларининг аҳолига қулайлиги ҳар то-

Савдо шохобчаларига назорат-касса аппарати ва терминаллар ўрнатилгани, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар сифати, нархнинг арзонлиги хариддорларга манзур бўлмоқда. Термиз шаҳридаги "Термиз-Бақтрия савдо

Мактаб бозори: таннарх ва эҳтиёж уйғунлиги

монлама ўрганилиб, манзили белгиланди. Савдо ташкилотлари бириктирилди. Ярмарка иштини мувофиқлаштириш, улардан фойдаланадиган мактаблар, моддий жавобгар шахслар, ўқувчилар сони эътиборга олиниб, белгиланган чора-тадбирлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилди. Чекка ва олис худудларда жойлашган мактаб ярмаркалари кўчма дўконлар орқали етарли миқдорда ўқув анжомлари ва кийим-кечаклар билан таъминланди.

комплекси" масъулияти чекланган жамияти худудида ташкил этилган мактаб ярмаркаси ҳам ота-оналар ва ўқувчилар билан гавжум. — Ўқув анжомлари ва кийим-кечакларни бир жойдан харид қилишнинг қатор қулайликлари бор, — дейди Термиз шаҳридан Асила Маматова. — Энг муҳими, арзон, сифатли ва ишончли. Назорат-касса аппарати ва терминал ўрнатилган.

Х.МАМАТРАЙМОВ,
ЎЗА мухбири

Обод маскан файзга тўлғай

Юртимизнинг чекка туманларидаги мактабларда ҳам ўқувчиларни тоза ва шинам синфхоналарда кутиб олиш учун ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Жумладан, Яқкабоғ туманидаги 29-мактаб бу йил 78 нафар 1-синф ўқувчисини ўз бағрига

олади. Улар учун синфхоналар тайёр ҳолатга келтирилди. Шунингдек, 60 нафар ўқувчи таълим-

ни 10-синфда давом эттиради.

— Мактабимизда жами 575 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олади, — дейди мактаб директори Нурали Исломов. — Айни кунда муассасамизда ободонлаштириш ишлари якунига етказилди. Синфхоналар дарс ўтишга тайёр. Ўқувчиларимиз бўш вақтларида мактабга келиб, мустақиллик байрами ва янги ўқув йилига тайёргарлик кўришмоқда.

Ҳар ўқув йили бошида ўқувчилар жонажон мактабига чексиз қувонч ва ҳаяжон билан қайтади. Ободонлаштириш ишларидан сўнг қайта чирой оған мактаб ва синфхоналар ўқувчилар қалбига янада жўшқинлик бахш этади.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.



2017-yil 23-avgust, № 67 (9028)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қарорнинг энг муҳим ташкилий, ҳуқуқий-сиёсий жиҳати маънавият, маърифатнинг мақоми олий даражага кўтарилганида кўринади: қарорда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига раислик қилиши белгилаб қўйилди. Бу мақом мамлакатимизда маънавият ва маърифат соҳасини янги bosқичга кўтаришнинг олий қафолатидир. Бундан маънавият тарғиботчиларимиз ҳаммадан кўп қувонди, деса муболага бўлмайди. Чунки жаҳон тарихида давлат раҳбарининг ўз халқи маънавияти, фарзандлари

ги йил 12 ой, 365 кун уриб турадиган бўлди. Тарғиботчилар турли соҳаларга иштирослашиб, доимий асосда моддий-маънавий рағбатлантириб борилади. Республика "Маънавият ва маърифат" марказининг "Маърифат" тарғиботчилар жамияти билан ишлаш бўлими"га энг зўр тарғиботчиларни аъзо қилиб, ишни тизимли ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Илгари Маънавият тарғибот марказининг ҳудудларда ва қисман туман-шаҳарларда бўлимлари ишлар, молиялаштириллар, айрим туманларда иш жамоатчилик асосида юритиб келинаётган эди. Миллий ғоя ва мафкура

бизга кириб келган, келаётган, тайёрланаётган таҳдидларни онлайн "қузатиб бориши", ҳар бир юрдошимизда уларга қарши иммунитетни шакллантириши зарур. Республика Маънавият ва маърифат маркази тадқиқот ва тарғиботнинг юксак, илмий технологиялар билан қуролланган, ўткир кўли, халқчил сўзли таянчи бўлиши талаб этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, миллий мафкурамиз янги bosқичда Ҳаракатлар стратегиямизга ҳамоҳанг — Ҳаракатлар мафкурасига айланиши зарур.

Қарорда олимларимиз, тарғиботчиларимизга мадад берувчи методологик аниқликлар бор. Жумладан, унинг

"Ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога" мақолимиз эътиборсиз қолди. Бугун ўзимиздан чиқаётган ички "оммавий маданият" таҳдид солмоқда. Бунга мисол қилиб тўйларимиз даб-дабаси муҳокамаси жамият муаммоси сифатида ижтимоий тармоқлардан тушмаётганини эслаш kifоя.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларидан бирида инсон қалби, онги билан ишлаш соҳаларини мудоффа вазирлигига тенглаштирди. "Аскарнинг жанговар тайёргарлиги жуда муҳим. Лекин аскар ўқни қаёққа қараб отишини мафкуравий тайёргарлик ҳал қилади", деган машҳур ҳар-

ларнинг сабабларини, илдинини, омилларини илмий ўрганишни, "ғоявий-тарбия ишларининг юзаси тарзда олиб борилаётгани"дан огоҳлантириб, бу аҳволга чек қўйишни талаб қилмоқда. Юзаси ишлаш бу — масаланинг "ичига кирмасдан", ноилмий, яъни, натижасиз, ҳўжа(йн)кўрсин учун "шуғулланиш" дегани. Энди соҳа ходимлари, барча вазирлик, идораларнинг катта-кичик раҳбарлари маънавият ва маърифат, миллий ғоя, тарбия масалаларига муносабатини қайта кўриб чиқиши зарур.

Қарор муҳим профилактик аҳамиятга эга, превентив тарғибот, тарбияга устуворлик талабини қўймоқда. Унда шундай дастурий кўрсатма мустаҳкамлаб қўйилган: "салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда қўтилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда". Дарҳақиқат, ички ва ташқи таҳдид ўз иштини қилгандан кейин унинг оқибатларини бартараф этиш эмас, балки олдини олиш исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

"Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги bosқичга кўтариш тўғрисида"ги қарорда бир неча йўналиш бўйича комплекс вазифалар белгилаб берилди. Булар мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботини изчил амалга ошириш, тинч ҳаётимизга раҳна солаётган ёт ғоя ва маънавий таҳдидларга қарши ғоявий курашши, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, халқимизнинг эртанги кунга ишончини қучайтириш, ёшларда соғлом дунёқараш, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тоғувлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби долзарб вазифалардир. Мазкур вазифалар ижроси мамлакатимизда маънавият-маърифат соҳасини янги bosқичга кўтариб, Ватанимизнинг мафкуравий ҳимоясини янча мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Мухаммадjon КУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

Ватаннинг мустаҳкам мафкуравий ҳимояси

тарбиясига ғамхўр, раҳнамо бўлгани камдан-кам учрайди.

Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг илмий, ташкилий қўчалари бирлашди. Уларнинг негизда Республика Маънавият ва маърифат маркази қайта ташкил этилди. Бу чора илгари бир мақсадга хизмат қилаётган икки марказни — илм билан амални бирлаштирди. Ходимларнинг умумий чекланган сони икки қаррадан зийда оширилди.

Мазкур соҳа илмга таянмас, ривожланмаёди. Шу боис марказ тузилмасида соҳанинг илмий таъминотида алоҳида эътибор қаратилган. Айни вақтда марказда ҳудудлар, жамоат ташкилотлари, маданият ва спорт ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари билан ишлашга иштирослашган, бу борадаги ишларнинг ахборот-таҳлили билан шуғулланувчи бўлимлар иш бошламоқда.

Қарор шарофати билан "Маърифат" тарғиботчилар жамияти"га асос солинди. Бу маънавий-маърифий соҳага катта имкониятлар беради. Тарғиботга узлуксизлик бағишлайди. Сир эмас, баъзан Мустақиллик байрами, Наврўз байрами арафасида юзлаб олим, ижодкор, санъаткорларни тўплаб, жадвал асосида туман-шаҳарларга, асосан жамоатчилик йўсинида йўللار эдик. Байрам ўтгач, танаффуслар юзга келарди. Энди мамлакатда тарғибот-ташвиқотнинг юре-

илмий-амалий марказининг на худудий, на туман (шаҳар) бўлимлари бор эди. Президент қарори шу муаммони ҳал қилди. Маънавият ва маърифатнинг мустаҳкам молиявий базага асосланган, кучли ижро вертикали яратилди.

Қарор маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тақомиллаштириш талабларини қўймоқда. Ҳозиргача тарғибот мазмун-мундарижасида "ҳамма жойда бир хил"лик, худуднинг хусусиятлари, маънавий муаммолари билан боғланмаганлик ҳолатлари учрар, "Case study" каби синналган ва замонавий усуллардан фойдаланиш қониқарсиз эди. Қарор асосида тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг худудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муносоиб, мақсадли ва мазмунли ёндашув жорий этилади.

Қарорда маънавий-маърифий ишларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш заруратида алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, тарғибот билан қамраб олиш кўламининг торлиги аҳолининг хабардорлик даражаси пастигига олиб келаётган эди. Энди бу муаммони ҳал қилишнинг илмий асосланган мониторингини таъминлаш учун шарт-шароит яратилди.

Бугунги шиддатли ҳаётимизда миллий мафкурамиз

матнида "жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўқсинлик қилаётган ички таҳдидлар" кўрсатиб берилди. Яъни, 1) Эл-юрт тақдирга лоқайдлик; 2) Маҳаллийчилик; 3) Уруғ-аймоқчилик; 4) Оилавий қадриятлар; 5) Ёшлар тарбиясига эътиборсизлик — "ички таҳдидлар" сифатида санаб ўтилган. Шу пайтгача биз бу таҳдидларга "камчилик", деб ёнгил қараб келар эдик. Баҳоланки, бугун бизни қийнаётган жиноятчилик, диний экстремизм оқимларга адашиб кириб қолишлар, бузилган ёш оилаларнинг йиғлаётган болалари, қаровсиз ўсмирлар шу "камчилик"ларнинг аянчли оқибатларидир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, халқларнинг ўз мустақиллигини бой беришларига асосий сабаб ички таҳдидлардир. Буюк Соҳибқирон Амир Темуриятган Буюк салтанатни таназулға олиб борган ҳам ички таҳдидлар бўлганини афсус билан эслаймиз. Шунинг учун қарорда ички таҳдидларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Биз шу пайтгача "таҳдид" деганда кўпинча узоққа, ташқарига қарадик. Аслида ички таҳдидлар ташқи таҳдидларга йўл очиб беришга, уларни қақришига эътибор бермадик. "Четдан кириб келаётган "оммавий маданият"га қарши кураш эълон қилдик.

бий афоризм бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Чунки чегарачини онг, онгни эса маънавият, мафкура бошқаради.

Ичкарида ғоявий бўшлиқ бўлмаса, ташқаридан келаётган бало кира олмайди, сиғмайди. Айланиб, бўшлиқ излаб бошқа томонга кетади. Шу боис қарор аввало "ичкари"ни — жамиятнинг ички, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитини тўқис, барқарор, мукаммал қилишимиз зарурлигини талаб этмоқда.

Қарорда жаҳондаги мафкуравий вазият, тенденциялар билан бирга мамлакатимиздаги илдиизи тарбияга бориб тақаладиган 7 маънавий-мафкуравий муаммога сиёсий диагноз қўйиб берилди. Булар:

1) Оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси самарасизлиги; 2) Чекка худудлар ва маҳалла-ларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаси тарзда олиб борилаётгани; 3) Жиноятчилик; 4) Диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш; 5) Миллий қадриятларга эътиборсизлик; 6) Эрта турмуш қуриш; 7) Оилавий ажралишлар.

Буюк бобомиз Имом Бухорий биз авлодларига "Илмсиз наҳот йўқ ва бўлмағай", дея ҳақиқатни ёзиб қолдирган эди. XXI аср — технологиялар асри ана шу ҳақиқатнинг бугунги исботи. Президент қарори биздан юқоридagi маънавий иллат-

Рағбат — ижодкорга қанот бағишлайди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида ўтган бу йилги танловда ада-

биёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фото ва дизайн, кино йўналишлари бўйича 500 нафар ижодкор умумий ҳисобда 5000 га яқин ижодий иши билан қатнашди.

Ҳар бир йўналиш бўйича беш нафар (1-, 2-, 3- ҳамда иккита рағбатлантирувчи ўрин бўйича) ижодкор голиб деб топилиб, улар-

га ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Рағбат ижодкорга қанот бағишлайди. Уни янги марралар сари ундайди, — дейди танловнинг босма ва электрон оммавий ахборот воситалари йўналиши совриндори Вазира Иброҳимова. — Журналистикага кириб келганимга кўп бўлмади. Устозлардан ушбу соҳанинг сир-асрорларини

қунт билан ўрганишга ҳаракат қиларман. Яхши кадр, ўз ишини устаси, етук мутахассис бўлишга интилишларим бесамар кетмаёпти. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган туркум мақолаларим учун мазкур танловнинг совриндорлари сафидан жой олдим. Танловда ёшларга ҳам кўп имкониятлар берилган, кишини қувонтиради. Бундай танловлар ижодкорларга кучайрат бағишлайди.

Дилмурод ДЎСТБЕКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Yangiliklarda yurt nafari



❖ Шуманайда «Китоб олами» савдо мажмуаси очилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 20-21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Шуманай туманида бўлиб, ёш ишбилармонлар билан суҳбатлашган эди.

Давлатимиз раҳбари шуманайлик ёш тadbirkor Сейдабулла Медетов томонидан билдирилган туман марказида ёшлар учун китоб дўкони очиш таклифини маъқуллаб, уни амалга ошириш учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан тadbirkorга 500 миллион сўм хомийлик маблағи ажратилишини билдирган эди.

Утган қисқа муддатда туман марказида 2 қаватли замонавий «Китоб олами» савдо мажмуаси бунёд этилиб, ўнга яқин ёш доимий иш билан таъминланди.

— Давлатимиз раҳбарига берган ваъданинг устидан чиққанмдан жуда хурсандман, — дейди тadbirkor С.Медетов. — Савдо мажмуасида ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши инobatга олинган ҳолда 100 дан зиёд номдаги ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиёти дурдоналари, ўқув қўлланмалари савдоси йўлга қўйилди. Шунингдек, ўқув зали, янги адабиётлар кўргазмаси, электрон кутубхона, интернет-клуб фаолият олиб боради.

«Китоб олами» савдо мажмуасига Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 15 миллион сўмлик китоб топширилди.

❖ Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида Бўхоро туманидаги Работак қишлоғида янги-ланган лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий ўй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда Работак қишлоғи кенгайиб, тобора замонавий қиёфа касб этмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бу ерда яна 42 замонавий ўй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳовли тўйини нишонлайдиганлар орасида Президент совғаси сифатида ўй қалитини олган 6 нафар ахтиёржаманд оила вакиллари ва жисмоний имконияти чекланган фуқаро ҳам бор.

— Бугунги сана ҳаётимдаги унутилмас кун бўлиб қолади, — дейди Орузгул Ҳабибова. — Ҳч хонали кичик ҳовлида 11 киши яшардик. Ўғлим ҳам, келиним ҳам ногирон. Мама, бугун ўғлимнинг қўлига уч хонали ўй қалитини тутказишди. Замонамдан айланади, уйнинг бошланғич бадали Президентимиз томонидан тўлаб берилди. Келиним Наргиза ҳам ишли бўлганидан жуда хурсанд. Унга «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти томонидан замонавий тикув машиниси берилиб, қасаначи сифатида ишга қабул қилинди.

Тadbirkorда ёш оилаларга Президентимиз совғаси сифатида ётоқхона мебели, ошхона жиҳозлари, музлаткич, телевизор, чанготкич, кир ювиш машиниси топширилди.

Шу кун Работакда ижтимоий қўмакка муҳтож 15 нафар фуқарога жорий йилда фойдаланишга топширилаётган уйлارга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер берилди.

❖ Тошкент вилояти Бекобод тумани ва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан навбатдаги сайёр қабул ўтказилди.

Сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бекобод туман ва шаҳар Халқ қабулхонасига келиб тушган 2 минг 500 дан ортиқ муносабат турли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида қўриб чиқилди.

Муносабатлар асосан банкдан кредит олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турар жой, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим тизимига алоқадор масалалар, пенсия ва нафақа таъминоти, тadbirkorларнинг ривожига тўққинлик қилаётган муаммоларга оид бўлиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Сайёр қабуллар давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар вакилларида иборат гуруҳ тўрт секторга бўлиниб, аҳолини қўйналган муаммоларини жойига бориб ўрганди. Аниқланган камчилик ва қилинган муносабатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Кам таъминланган оилалардан бўлган 150 болага махсус формаси, ўқув қуроллари, сумка, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 100 га яқин фуқарога совғалар тарқатилди. Эхтиёржамдларга ногиронлик аравачиси ва бошқа воситалар топширилди.

❖ Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусидаги республика ёш олимларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ёш олимларнинг илмий ишланмалари, ихтироларини амалиётга таътиб этишга қўмаклашиш мақсадида ўтказилган анжуман Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фан ва технологиялар агентлиги, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидаги ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ёш олимлар, мустақил тadbirkorчиликчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Университет кўргазмалар залида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги «Республика ёш олимлар ассоциацияси»нинг истиқболли режалари асосида яратилган тақдиротлар, олий таълим муассасалари ёш тadbirkorчиликларининг илмий ишланмалари, ихтиролари ва инновацион технологиялари намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

«Эрк истар кўнгил»

Миллий матбуот марказида тарихчи олим Шухрат Эргашевнинг атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Эрк истар кўнгил» номли китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 27 март кунин Президентимизнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда Шароф Рашидов ҳаёти ва ижоди, унинг сиёсий фаолияти ҳақида улғайиб келаётган ёш авлодга батафсил маълумот беришга мўлжалланган маъмур китоб «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томони-

дан нашр этилди.

Тadbirkorда сўзга чиққанлар Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда юртимизда илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият юқори чўққиларга кўтарилгани, ушбу соҳаларда мақтанишга арзигulik илмий ишлар, бадий савия жиҳатидан баланд асарлар дунёга келганини, бу ютуқлар замирида, албатта, ижтимоий жараёнларнинг ижобий таъсири борлигини алоҳида таъкидлашди.

— Нашр этилган китоб юртимиз тарихининг ўтган асрдаги саҳифаларини ўзида акс эттирган, — дейди академик Аҳмадали Асқаров. — Шунингдек, китобда Шароф Рашидовнинг сиёсий фаолиятдан ҳикоя қилиш орқали у яшаган даврга ҳақиқий баҳо ҳам берилган. Нечоглик мураккаб даврлигига қарамай Шароф Рашидов ҳар қандай вазият ва шарoитда ҳам имкон қадар Ватанимиз манфаатини ўйлаб иш қилганлигини муаллиф тарихий фактлар, чиройли тасвирлар билан очиб берган.

Махлук АДҲАМОВА,
ЎЗМУ талабаси

Обод мактабим — кўркем масканим

Халқ таълими тизимидаги барча мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида анъанавий ўтказиб келиналган «Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танловининг бу йилги республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



— Танловнинг ҳудудий босқичларида 1746 та таълим муассасаси иштирок этди, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Танлов низоми ва баҳолаш тизими барча мактаб раҳбарларига етказилди. Мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи низоми талаблари асосида таълим муассасаларини баҳолаб борди. Унга кўра, таълим муассасасининг таълиқи ва ички қўриниши, ҳудудда меваили ва манзарали дарахтлар экилгани, ободонлаштириш ишлари намунали ташкил этилгани, ёнги хавфсизлиги бурчагиди жиҳозларнинг тўлиқлиги, қўшимча биоларнинг санитар-гигиеник ҳолати, ичимлик суви билан таъминланганлиги ҳам инobatга олинди.

Этиборлиси, баҳолаш жараёнида давлатимиз томонидан қўриб берилганига бир-икки йил бўлган мактабларнинг янгилиги эмас, аксинча яратилган шароитни яхши сақлагани, мавжуд имкониятдан умумий фойдалангани, асраб-авайлагани, ободонлаштириш ишларини намунали ташкил этганига алоҳида эъти-

бор қаратилди. Республика босқичига етиб келган 28 та мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасасидан энг яхшилари саралаб олинди. Унга кўра мактаблар ўртасида 1-ўрин Навоий шаҳридаги 13-мактабга, 2-ўрин Бахмал туманидаги 4-мактабга, 3-ўрин Яшнобод туманидаги 153-мактабга насиб этди.

Мактабгача таълим муассасалари ўртасида 1-ўринни Самарқанд шаҳридаги 84-, 2-ўринни Нурота туманидаги 1-, 3-ўринни Қарши шаҳридаги 17-мактабгача таълим муассасаси эгаллади.

Ғолиб ва иштирокчилар Халқ таълими вазирлигининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза ХОЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Вилоят прокуратураси веб-сайти ишга тушди

Тошкент вилояти прокуратураси органларининг расмий веб-сайти «TVR.UZ» ишга туширилди. Вилоят прокуратураси биносида орган жамоаси ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида веб-сайт тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган веб-сайт орқали прокуратура фаолияти ҳақида маълумот ҳамда саволларга жавоб олиш имконияти яратилди.

— Веб-сайт аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, ошқораликни таъминлаш, кишиларни содир этилаётган жинойтлар ва уларнинг натижаларидан тазорлик билан хабардор қилиш, шунингдек, аҳолининг ариза ва шикоятларини қўриб чиққан ҳолда, зарур ёрдам бериш мақсадида очилди, — деди вилоят прокуратураси бошлиғи ўринбосари Содиқжон Бердиалиев. — Веб-сайтта ташкил этилган «Халқ билан мулоқот», «Прокурор минбари», «Жамоатчилик фикри», «Коррупцияга қарши ўз ҳиссангизни қўйиш» каби рунклар шу мақсадга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА

2017-yil 23-avgust, № 67 (9028)

Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигини қарши олмақдамиз. Ўзбекистон тараққиётига ўзининг озми-кўпи улушини қўшаётган замондошларимизга юзланасак, истиқлол даври имкониятларини эътироф этадилар. Зеро, ўз тақдиридан розилик, миннатдорлик ҳукми сурган жойда тинчлик, оқойишталик, ривожланиш бўлади.

Fidoying bo'lgaymiz seni, O'zbekiston!

ИСТИҚЛОЛ имкониятлари

оддий инсонлар тақдирида ёрқин из қолдирмоқда

Халқ хизматидаги қабулхона

2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилиши давлат идоралари раҳбарларининг аҳоли билан яқин муносабат ўрнатиши учун асос бўлмоқда. Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ қабулхоналари" ташкил этилиши фуқароларнинг ҳар қандай мурожаатини ўз вақтида, ўша ҳудуднинг ўзида ҳал этиш имконини яратмоқда.

— Халқ қабулхонасига келаётган фуқарога ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги зарур. У фикрини, тақлиф ва мулоҳазасини, муаммоларини очик-ойдин айта олсин. Сансалорлик, кўркүв, ҳадиқ бўлган жойда бюрократия авж олади, — дейди Когон туманидаги "Халқ қабулхонаси" мудири Ҳамид Равшанов. — Одамлар давлат идорасига мурожаат қилмоқчи бўлса, таниш-билиш изларди. Бирор раҳбар



ёки мутасадди "Сенинг шикоятингдан бошқа ишим йўқми?" дея иддао қилса, бейхитёр елкаси қисилиб, ўзини худди айбдордай ҳис қиларди. Бугун вазият бошқача. Халқ қабулхонаси — юртдошларимизнинг нажот масканига айланди. Одамлар бу ерда барча масалалар таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик эвазига эмас, балки қонун доирасида кўриб чиқилиб, ҳал қилинишини англаб етишяпти. Қабулхонамизга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан 700 га

яқин мурожаат келиб тушди. Мурожаатларнинг 150 дан ортиғи ёзма, 500 га яқини оғзаки шаклда қабул қилинган. Уларнинг аксари яти қонун доирасида ўрганилиб, ижобий ҳал этилмоқда. Хусусан, фуқаро Шохиста Нейматова оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйиш мақсадида банкдан кредит олмақчи бўлгану, унинг мурожаати январдан июнь ойигача эътиборсиз қолган. У қабулхонага бу масала юзасидан ёрдам беришимизни сўраб келди. Аёлнинг шикоятини ўрганиб, банкдан ўн миллион сўм кредит олишга қўмаклашдик. Туркманўғли қишлоғида истиқомат қилувчи 101 ёшли Мирза ота Ғадоев қабулхонамизга келди. Мурожаати Когон — Қизилтепа автомобиль йўлини таъмирлаш билан боғлиқ бўлиб, ишчи гуруҳи муаммони жойида ўрганди. Таъмирга муҳтож йўл тез фурсатда раво-лаштирилди.

Халқ давлат идоралари раҳбарларидан рози бўлса, бунинг савоби кўп.

Бахтли ўзбек аёли

— Болалик дамларим ёдимда.

Ҳар куни қишлоғимиз — Деҳқонobodнинг чанг кўчасидан, паҳса деворли, томи ўт-ўланга тўла, қингир-қийшиқ уйлари томоша қилиб, тегиримонга қатнардим, — дейди Қува туманидаги 16-мактаб ўқитувачиси Одинахон Холиқова. — Ун тортириш учун эмас, билим олишга. Эски тегиримон — мактаб. Зах, қоронғи хонада 26 бола ўқиймиз. Икки қатор парта зич қўйилгани учун хонада бемалол юролмасдик. Танафусга чиқиш қаёқда? Биринчи дарс иккинчисига уланганидан хона димиқиб кетиб, нафас олишга қийналардик. Бу йўлу бинолар ҳозир тамоман ўзгача қиёфада. Ўнқир-чўнқир кўча кенг ва раво йўлга айланган. Эски харобалар ўрнида намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар. Тегиримон ўрнида эса замонавий, барча шарт-шароитлар мужассам билим маскани савлат тўкиб турибди. Кечинмаларим ўқувчиларга тушдек туюлади. Улар жаннатмонанд диёрнинг фарзандлари-да! 1984 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўқитувчилик касбини танлаган етти нафар шоғирдим билан ҳамкасбимиз. Улар билан доимо фикр алмашиб, ютуқ ва камчиликларини кўрсатаман. "Мен энг бахтли ўзбек аёлиман!", дея доимо таъкидлайман. Ўқитувчи-мураббийларга кўрсатилаётган юксак эътиборни кўринг! Чекка бир қишлоқнинг оддий ўқитувчиси "Шўхрат" медали, "Меҳнат шўхрати" ордени ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлдим.



Кенг имкониятлар яратилган юртда ҳалол меҳнат қилган киши ўз ниятига эришади.

Ёшлар сиёсатида янги давр

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатида мақсад, мўлжал тўғриси белгиланмоқда. Бунинг натижаси дунё миқёсида қўлга киритилаётган ютуқларда намоён.

— Чорак аср муқаддам ёшларимизнинг дунё миқёсидаги мусобақа ва беллашуларда қатнашишини тасаввур қилиб бўлмасди, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори Ортиқбой Эшонқулов. — Бугун эса ўғил-қизларимиз халқроқ фан олимпиадаларида мунтазам совриндорлар қаторидан жой эгалламоқда. 2016 йили Тбилисида кимё фани бўйича 48-Бутунжаҳон олимпиадасида лицейимиз ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарканд тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ҳамда Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Чарос Омонова бронза медалини қўлга киритган эди. Эътиборлиси, улар ўша йилнинг май ойида Россияда ўтказилган кимё фани бўйича 50-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам ўз билим ва салоҳиятини намойиш этишганди. Ўшанда беллашув бошланмасдан аввал Жаҳон кимё фани олимпиадаси кўмитаси раиси Габор Магярвалфи ёнимга келиб, "Сизлар бундай муваффақиятга қандай эришяпсизлар? Ҳар йили фан олимпиадасида кучли ўқилнинг бир вакили ўзбекистонлик бўлади. Ҳаттоки, 48 йилдан буён бронза медалини олмаган давлатлар бор. Сизлар бўлса, 2008 йилдан буён 31 та медали (5 та олтин, 10 та кумуш, 16 та бронза)га эгалик қилдингиз",



деди ажабланиб. Унга жавобан шундай дедим: "Бизда буюқ алломалар яшаб ўтган. Уларнинг илмий-маънавий мероси ёш авлод учун улкан хазинадир".

Дарҳақиқат, яқинда Таиландда ўтказилган кимё фани бўйича 49-Бутунжаҳон олимпиадасида ҳам ёш кимёгарларимиз аънанани давом эттирган ҳолда совриндорлар қаторидан жой эгаллади. Дунёнинг 80 давлатидан қарийб 320 нафар билимдон қатнашган мусобақада 4 кишидан иборат вакилларимиз 3 та бронза медали соҳибига айланди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи битирувчилари Азизбек Ҳақимов, Асилбек Мухсимов ҳамда Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Жавоҳир Абдуҳақимов юрт байроғини юқори кўтарди.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!

Тадбиркорнинг замони

Мустақиллик йилларида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Тадбиркорлар сафи кенгайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланди.

Натижада бугунги кунда минглаб ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласининг моддий таъминоти-га, аҳоли фаровонлигини оширишга ва юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ҳам истиқлол яратган имкониятлардан бири.

— Истиқлол фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди навоийлик тадбиркор Жаҳонгир Тошпўлатов. — Коллежни тамомлагач, банкдан имти-

ёзли кредит олиб, тадбиркорлик қила бошладим. Ганч ўймакорлиги, манзарали-амалий буюмлар ҳамда бошқа архитектура-қурилиш маҳсулотлари тайёрлаб, сотишни йўлга қўйдим. Президентимизнинг шу йил 7 январда Прократура органлари ходимлари куни олди-дан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашувда "...Тадбиркор бу — ҳақиқий фидойи инсон. Шахсан мен бундай одамларни ёки иккита иш ўрни яратган тадбиркорларни бошимда кўтаришга тайёрман", деган фикри менга янада куч ва ғайрат бағишлади. Бу йил қўшимча 4 та янги иш ўрни яратдим. Умумий овқатланиш мажмуаларига Фарб ва Шарқ меъморий услубларини уйғунлаштириб, янги безак ҳамда композиция бериш устида изланыпмиз. Даромад — меҳнатимизга яраша. Ўтган йили 50 миллион сўмга яқин соф даромад олдик. "Олма пish, og'zimga tush" деб ўтирсак, ким беради бу маблағни?



Ҳозир давраларда бу гап кўп айtilмоқда: тадбиркорнинг замони бўлди. Ҳаракат қилган, иштирок қилган кишининг турмуши фаровон бўлмоқда. Бундан давлат ҳам манфаатдор.

Ҳасан МҲМИНОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Интеграция — қисқа вақтда кўпроқ билим бериш имконияти

Кейинги йилларда таълим тизимига замонавий АКТ, мультимедиа воситалари, ўқитишнинг янги методлари кириб келиши ўқув машғулотлари мазмунига сезиларли таъсир кўрсатди. Таъбир жоиз бўлса, бу жараёни бир қадар жаддалаштириб, қисқа вақтда кўпроқ маълумот бериш, билимларни ихчамлаштириб, зарур ҳолларда фанларни интеграциялаб ўқитишни тақозо этмоқда.

Интеграция сўзи латинчада тиклаш, тўлдириш, қўшилиш, бирлашиш, бутун, деган маъноларни англатади. Интеграцияланган (интеграцияли) дарс — фанларaro билимларни бирлаштириб, яхлит ҳолга келтиради, фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни — дифференциация билан бирга кечади.

Бундай дарслар бола шахсини ривожлантирувчи, уни фикрлашга йўналтирувчи, қобилиятини ўстирувчи турли педагогик ёндашув ва таълимий методларни қўлланган ҳолда ташкил этилади. Бола дарсда предмет ёки воқеа-ҳодисаларни бир неча томондан мантикий ва эмоционал тарзда, масалан, биолог, сўз устаси, рассом, мусиқчи нуктаи назаридан кўра олади.

Интегратив таълимнинг куйидаги йўналиш ва кўринишлари мавжуд.


Кўп фанлар интеграцияси — универсал ёки умумий деб ҳам аталади. Бунга мисол қилиб, ўқиш, табиат, расм дарсларини битта умумий дарсга бирлаштириб олиб боришни кўрсатиш мумкин. Бу каби интегратив ёки комплекс (умумий) дарсларда бир неча фанлар матери-

аллари бирлаштирилиб, бир тизимга келтирилади.

Чегарадош фанлар интеграцияси умумтаълим тизимида бир-бирига яқин фанларни ўқитишда қўлланилади. Масалан, биология (ботаника), физика, кимё, астрономия фанлари умумлаштирилади. Улар асосида интегратив табиий фанлар тузилади. Бошланғич синфларда экологик таълим дарсида ўқиш, табиатшунослик, технология (табиий материаллар билан ишлаш), тасвирий санъат фанларини бирлаштириб олиб бориш мумкин.

Асосий фанлардан тузилган интеграцияланган дарслар мазмунини шу фанлар структураси асосида тузилади. Интегратив дарслар комплекс объектлар асосида ташкил этилади. Ер, биосфера, одам ва унинг яшаш муҳити мисолидаги бир объект турли фан нуктаи назаридан ўрганилади. Бу тартибдаги интеграция ҳозирги кунда табиий фанлар дарсларида ижобий натижа бермоқда.

Интеграцияланган дарсда ўқувчилар бир неча фанларни қисқа мuddатда, тез ўзлаштириб, зерикиб, толиқиб қолишининг олди олинади. Ўқувчи кўз олдида кўп ўлчовли дунё манзараси тур-



Metodik tavsiya

10—12 ёшли болаларга мўлжалланган табиий-илмий билимларни ўз

ли боғланишлар ёрдамида содда намён бўлади. Бир дарсни икки ёки ундан ортиқ фан ўқитувчиси олиб бориши ёки икки ва ундан ортиқ фанни битта дарсга боғлаб, бир ўқитувчи олиб бориши ҳам мумкин. Интеграцияланган дарс ижодий, эркин, яхлит, мантиқан кетма-кет, ўзига хос ўқитиш методикасига эга.

Чет эл таълим тажрибасига эътибор қаратсак, бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан кенг фойдаланилади. Масалан, Буюк Британия таълим тизимининг асоси интегратив фанлардан ташкил топган. Швейцария, Австралия, Япония, Германияда ҳам бу таълим тури оммалашган. Болгарияда

ий-илмий билимларни ўз ичига олган интеграцияланган курслар яратилган. Ушбу курсда ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқ, тарих, география, жамиятшунослик, физика, кимё, биология, астрономия, табиатшунослик каби фанлар умумлаштирилган.

Шу ўринда интеграцион дарсларнинг даражаларига эътибор қаратсак. Модуллашган интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солиниб, узвий тарзда ўқувчиларга тақдим этилади. Масалан «Математика», «Алгебра», «Геометрия», «Чизмачилик»ка оид билимларни шу тартибда тушунтириш яхши самара беради.

Интегратив дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда так-

дим этишни назарда тутди. Бугунги кунга келиб, ўқув режасида ўқув фанларининг сони кўпайиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай турдаги дастурларни яратишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Дастур ва дарсликларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида, бошланғич таълимдаги йўл ҳаракати қоидалари, одобнома, Конституция сабоқлари, саномастик дарсларига оид тушунчаларни ягона ҳолда «Она тили», «Ўқиш» дастурларига уйғунлаштириш мумкин.

Мавзуларaro интеграцияда айна бир фан доирасидаги ўқув материаллари моҳиятан яқин бошқа фан ўқув материаллари билан уйғунлаштирилади. Масалан, математик мулоқот маданиятини шакллантиришга оид машқларни «Она тили» дарсликларда, иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган масалалар, машқлар ва матнларни «Математика» ва «Она тили», «Ўқиш» дарсликларидан бериш мумкин. 5—9 синфларда Ватан туйғуси, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Конституция сабоқлари, ҳадис илми сабоқларини она тили, адабиёт, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари мазмунига уйғун ҳолда ўргатса бўлади.

Ўқув жараёнида интеграцияланган таълимдан фойдаланиш натижасида ўқувчи ўқитувчи билан ўзаро мулоқотга тез киришади. Турли фанлар ёрдамида бир мавзунини тушунтириш дарсининг қизиқарлилигини таъминлайди. Энг муҳими, интеграцион дарслар таълим жараёни бир хилликдан сақлайди.

Мавлуда ИСХОҚОВА,
Тошкент шаҳар ХТХТҚМОЙ
катта ўқитувчиси

АКТ машғулотни мазмунан бойитади

Имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган яхша машғулот турларига АКТдан кенг фойдаланишни даврининг ўзи тақозо этмоқда. Ўқитувчи Оқибатхон Шокирова 3-«А» синф ўқувчилари Зухраҳон Аҳмадиева ва Розияхон Мадраҳимова билан ўтказган 20 дақиқалик дарсда АКТдан фойдаланди. Дарс жараёнини ифодалаш учун ташкилий қисmini изоҳлаймиз.

Ўқитувчи бу қисмда ўқувчининг билим ва кўникмасига мос усуллардан фойдаланиб, нафас ва овоз машқларида турли усулларни қўллади. Ҳайвонлар овозига тақлид қилган ҳолда компьютерда жониворлар суратини кўрсатиб, ҳар бирининг овозини ўқувчига эшиттириб фарқладди.

Дарсининг 2-босқичи, яъни талаффузини шакллантириш қисмида ўқувчининг «Г» товушини айтишдаги нуксонини тузатиш учун ўқитувчи техник воситаларга мурожаат қилди. Компьютерда товушнинг артикуляция ҳолати изоҳланди. Ўқувчи компьютердаги «Г» товуши чизмасига қараб, мустақил равишда тўғри талаффуз қилишни ўрганди.

Ўқитувчи ўқувчини фаол фикрлашга ундаш учун турли интеллектуал ўйинлар-

дан ҳам фойдаланди. Бунда унга «Шар» ва «Картошка» ўйинлари асқотди. «М» ва «В» товушини фарқлашда машғулотнинг жонли ва мулоқот тарзида олиб борилиши ўқитувчиларга маъқул келди. Ўқитувчи «М» товушига сўз айтса, ўқувчи «В» товушига сўз айтди. Компьютердаги расмларни номлаб фарқлади. Масалан:

Mashina — bahor
Mohir — botir
Misol — bisyor

Ўқитувчи 10 дақиқа бола талаффузини шакллантириш устида ишлагандан сўнг, дам олиш дақиқаси бошланди. Биргаликда бошқотирма ечдилар.

Эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича мавзу:

«Баҳор» матни. АКТдан фойдаланган ҳолда ўқитувчи расмлар асосида матн яратди. Бу усул ўқувчининг

мустақил фикрлаши, нутқи ва тафаккурини ривожлантиришга, хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Компьютерда «Баҳор» манзараси кўринди. Ўқувчи расмга қараб гап тузиши керак. Зухраҳоннинг жумласи:

1. Баҳор фасли келди.
Экранда қуёш, гуллар, майса ва ҳушлар кўринди. Ўқувчи расмлар асосида гап тузди:

2. Кунлар исий бошлади.

Компьютерда баҳор фаслига хос манзарани кузатиб турган Розияхон гап тузди:

3. Баҳорда тез-тез ёмғир ёғиб туради.

Ўқитувчи варрак, дарахт, гул, қуёш сўзларини яна бир бор такрорлади. Ўқувчи компьютердаги расмлар орқали сўзларни тўғри талаффуз қилиш кўникмасини эгаллади. Бу усул ўқувчига ўз-ўзини намойиш этиш имконини берди.

Малоҳатхон НИШОНОВА,
Хўжабод шаҳридаги
17-кар болалар давлат
таълим муассасаси
ўқитувчиси

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичи Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди.

«Сиз қонунни биласизми?»



этангимдан қалбим бир олам фаҳрга тўлди. Танлов қизгин баҳс, ноаънавий чиқишлар, ҳаяжон остида ўтди.

Биринчи шартда жамоалар ўз вилояти, таълим муассасасини таништирдилар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Конституция ва қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган чиқишлари билан иштирок этган бўлса, иккинчи шартда уларнинг ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди. Учинчи шартда жамиятимиздаги муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечими, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган видеороликларни тақдим этдилар. Тўртинчи шартда сахна кўринишлари намойиш этилди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикасининг «Истиқлол қанотлари» жамоаси биринчи, Жиззах вилоятининг «Статус» жамоаси иккинчи, Қашқадарё вилоятининг «Миранда» жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Жамоамиз эришган ютуқ бизни қувонтирибгина қолмай, зимамизга улкан масъулият юклайди. Бундай ишонгча муносиб бўлиш улкан бахт, юсак шарафдир.

Зухра ЙЎЛЧИЕВА,
ЖДПИ қошидаги 2-академик
лицей ўқувчиси

Феруза АКРАМОВА,
Республика "Оила"
илмий-амалий маркази
етакчи илмий ходими,
психология фанлари
номзоди, доцент

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2017-2018 ўқув йилида
фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув кўлланмалар рўйхати**

T/p	Дарслик ва ўқув кўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
1-синф				
1	Алифбе (Harflyk)	Қ.Абдуллаева ва б.	2017	Бепул
2	Ёзув дафтери (Harflyk depden)	К.Холлиев	2017	Бепул
3	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2017	Бепул
4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2017	Бепул
5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2017	Бепул
6	Математика дафтери	М.Жумаев ва б.	2017	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	М.Ахмедова ва б.	2017	Бепул
8	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2017	Бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Хасанов	2017	Бепул
10	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2017	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2017	Бепул
12	Инглиз тили "Kids' English-1"	М.Ирискулов ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-1"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Технология	И.Маннопова ва б.	2017	Бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2016	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2016	Ижара
4	Русский язык	З.Абдураимова	2016	Ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2016	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2016	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исоқова ва б.	2016	Ижара
9	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-2"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-2"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
14	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2016	Ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2016	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2016	Ижара
4	Русский язык	Н.Сергеева ва б.	2016	Ижара
5	Математика	С. Бурханов ва б.	2016	Ижара
6	Табиятшунослик	А.Бахромов ва б.	2016	Ижара
7	Одобнома	М. Холиқова ва б.	2016	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исоқова ва б.	2016	Ижара
9	Мусика	Х.Нурматов ва б.	2016	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2016	Ижара
11	Инглиз тили "Kids' English-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
12	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-3"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
13	Немис тили "Deutsch mit spaß-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
14	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-3"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
15	Меҳнат таълими	Х.Санакулов ва б.	2016	Ижара
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2017	Ижара
2	Она тили (Turkmen dili)	А.Қодиров	2017	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	М.Каримова ва б.	2016	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2017	Ижара
6	Табиятшунослик	А.Бахромов ва б.	2017	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2017	Ижара
8	Мусика	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳамжонов ва б.	2017	Ижара
10	Технология	И.Маннопова ва б.	2017	Ижара
11	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов ва б.	2017	Ижара
12	Инглиз тили "Kids' English-4"	С.Хан ва б.	2016	Бепул
13	Инглиз тили машқ дафтери "Activities book-4"	С.Хан ва б.	2017	Бепул
14	Немис тили "Deutsch mit spaß-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2016	Бепул
15	Немис тили машқ дафтери "Arbeitsheft-4"	М.Дадаходжаева ва б.	2017	Бепул
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2015	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Г.Сулонова ва б.	2015	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	К.Раззокова ва б.	2015	Ижара
4	Русский язык	Ю.Мусурмонова	2016	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High"	Л.Жўраев ва б.	2017	Бепул
6	Немис тили «Deutsch»	З.Қиёмова ва б.	2017	Бепул
7	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2015	Ижара
8	Математика	Б.Хайдаров	2015	Ижара
9	Информатика	Д.Қамолитдинова	2016	Ижара
10	Табий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2015	Ижара
11	Ботаника	У.Пратов ва б.	2015	Ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
13	Мусика	А.Мансуров ва б.	2015	Ижара
14	Меҳнат таълими	Ш.Шарипов ва б.	2015	Ижара
15	Тасвирий санъат	Т.Қўзиёв ва б.	2015	Ижара
16	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноҳўжаев ва б.	2015	Ижара
6-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2017	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Р.Қиличев ва б.	2017	Ижара
4	Тарих	А.Саъдуллаев ва б.	2017	Ижара
5	Русский язык	Г.Ғасилова ва б.	2017	Ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул

T/p	Дарслик ва ўқув кўлланмалар номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъмин-ланиш тури
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Сулонова ва б.	2013	Бепул
8	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2017	Ижара
9	Физика	Н.Турдиев	2017	Ижара
10	Биология (Ботаника)	У.Пратов ва б.	2017	Ижара
11	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2015	Ижара
12	География	А.Соатов ва б.	2017	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
14	Мусика	С.Бегматов ва б.	2017	Ижара
15	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
16	Тасвирий санъат	Қ.Мирзахмедов ва б.	2017	Ижара
17	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноҳўжаев ва б.	2015	Ижара
7-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2017	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Сулонова ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Сулонова ва б.	2013	Бепул
7	Ўзбекистон тарихи	А.Мухаммаджонов ва б.	2017	Ижара
8	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2017	Ижара
9	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2017	Ижара
10	Геометрия	А.Аъзамов ва б.	2017	Ижара
11	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2017	Ижара
12	Кимё	И.Асқаров ва б.	2017	Ижара
13	География	П.Фуломов ва б.	2017	Ижара
14	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2015	Ижара
15	Биология (Зоология)	О.Мавлонов	2017	Ижара
16	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2017	Ижара
17	Технология	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
18	Мусика	О.Иброҳимов ва б.	2017	Ижара
19	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноҳўжаев ва б.	2017	Ижара
8-синф				
1	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2014	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Арақиличова ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	М.Рожнова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Сулонова ва б.	2014	Бепул
7	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
8	Ўзбекистон тарихи	К.Усмонов ва б.	2014	Ижара
9	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
10	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари	О.Каримова ва б.	2014	Ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2014	Ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
13	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
17	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
20	Жисмоний тарбия	Т.Усмоноҳўжаев ва б.	2017	Ижара
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбеков ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Р.Усмонова ва б.	2014	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
7	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
8	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллабоев ва б.	2014	Ижара
9	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2014	Ижара
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б.	2014	Ижара
11	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
12	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2014	Ижара
13	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2015	Ижара
14	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
15	Кимё	И.Асқаров ва б.	2014	Ижара
16	Биология, Цитология ва генетика асослари	А.Зикириев ва б.	2014	Ижара
17	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қайумов ва б.	2014	Ижара
18	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2015	Ижара
19	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
10-синф				
1	Туркман тили (Turkmen dili)	Г.Назарова ва б.	2017	Ижара
2	Адабиёт (Edebiyat)	К.Раззокова ва б.	2017	Ижара
3	Ўзбек тили	Х.Муҳиддинова ва б.	2017	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2017	Ижара
5	Инглиз тили	Ф.Рашидова ва б.	2017	Ижара
6	Немис тили	С.Абдуллаева ва б.	2017	Ижара
7	Француз тили	З.Давронова ва б.	2017	Ижара
8	Ўзбекистон тарихи	Қ.Ражабов ва б.	2017	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Ш.Эргашев ва б.	2017	Ижара
10	Дунё динлари тарихи	З.Исломов ва б.	2017	Ижара
11	Давлат ва ҳуқуқ асослари	Н.Исмаилова ва б.	2017	Ижара
12	Маънавият асослари	В.Қўчқоров ва б.	2017	Ижара
13	Математика (алгебра анализ асослари, геометрия)	Ш.Исмаилов ва б.	2017	Ижара
14	Информатика ва ахборот технологиялари	Н.Тойлоқов ва б.	2017	Ижара
15	Физика	Н.Турдиев ва б.	2017	Ижара
16	Органик кимё	С.Машарипов ва б.	2017	Ижара
17	Биология	А.Ғофуров ва б.	2017	Ижара
18	География	Ш.Шарипов ва б.	2017	Ижара
19	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик	Ш.Убайдуллаев ва б.	2017	Ижара

2017-yil 23-avgust, № 67 (9028)

Тўй тарихи эмас — бахт келтирсин!

“Келиннавкар”

Келин бўлмиш қизнинг кўзида ёш кўрган онанинг юраги “шува” этиб кетди. Наҳотки, бўлажак куёв билан уришиб қолган бўлса?

— Ойи, дугоналаримнинг ҳаммаси бир хил либосда бўлишини хоҳлайман! — Бор-йўғи шуми, қизим? Шу кўз ёш тўкишинга арзийдими! Даданга айтмиш, ҳамма дугонанга бир хил кўйлак олиб бергани бўлсин!

Тўйга келганлар келиннинг қимматбаҳо либосини бир гапирган бўлса, атрофда гирдиқалпалек бўлаётган ун чоғли қизнинг бир хил кўйимига юз чоғли таъриф беришди.

Эндиликда Тошкент шаҳридаги ҳар уч тўйнинг биттасида “келиннавкар”ларнинг худди эгизаклардек бир хил либосда юриши урфга айланганга таассуфланарли! Кимдир ўз хоҳиши билан, биров дугонасини ранжитмаслик учун, учинчиси бошқалардан қолишмаслик мақсадида “келиннавкар” ёлламоқда.

Халқимиз ўғил фарзанд кўрса — тирак экиб, қиз туғилса — сандиқ очади. Бобо-момоларимиз боланинг камолга етиши билан боғлиқ ўз орзулари, умидларини шу тариха ифодалаган. Уларнинг бахтли, бировдан кам бўлмай яшаши учун тайёргарликни шу пайтдан бошлаганига бир ишора бу. Аммо чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш маросими, қовурдоқ, бешик тўйи, тантанали ўғил тўй ва никоҳ кечалари қаторига келиннинг ота-онасини бугундай ортиқча чиқим қилишга мажбур этаётган “замонавий” одатлар қўшилётгани ҳеч бировимизни бефарқ қолдирмаслиги керак.

“Муҳаббат тарихи”

“Love Story” — икки ёшнинг тўйига бўлган муҳаббат тарихи. Бугун аксарият ёшлар тўйдан олдинги бахтли лаҳзалари акс этган фото ва видео лавҳалари оммага кўз-кўз қилгиси келади. Тўйни ташкиллаштирувчи махсус агентликларга мурожаат этсангиз бас, “муҳаббат тарихингизни” истагингиздагидан ҳам зиёда қилиб тасмага муҳрлаб беради.

— Бир тўйга бориб, ёкамни ушлаб қолдим, — дейди Чилонзор туманида яшовчи онахон Сабрия Шукурова. — Шоҳона ресторан, дастурхон тўла ноз-неъмат. Замонамизга шукр қилиб турсак, катта экранда келин-куёвнинг таниш чехраси кўринди. Ҳамманинг кўзи экранда. Йигит билан қизнинг тоғда бир-бирини қувлаб юргани, богда қўл ушлашиб тургани, кинога тушгани, концертга боргани... ҳуллас, ҳеч бири эътибордан четда қолмабди. Ёшларнинг қилигидан уяласан киши. Тўй эри тактардагидек шоҳона ўтди. Энг ачинарлиси, орадан уч ой ўтар-ўтмас, икки ёш ўртасига совуқчилик тушди. Сабри, куёв томон дабдабали тўй қилиш оқибатида катта қарзга ботибди. Шу боис қайнонаси: “Шу келин хонадонимга келдию дастурхонимдан файз-баракани ариди” деб жаврайверкан. Бунга сабр-бардоси етмаган келин ҳозир ҳомиладор ҳолида отасиникида ўтирибди.

Афсусланарлиси, тўйдаги бу одатларнинг ихтимолӣ тармоқлар орқали бир зумда бутун дунёга ёйилаётганидир. Ўзини ҳурмат қилган инсон шайхӣ ҳаётига тааллуқли кечинмаларни бошқаларга ошкор қилишдан орланади. Муқаддас никоҳ ўқилмасдан туриб, икки ёшнинг бир-бирига суйқалиб суратга тушишини шариат қоидалари ҳам, қадриятларимиз ҳам оқламайди.

“Гул отиш” маросими ёхуд келин-куёв вальси...

Бугун ёшлар фикрлашда, билим олишда, ақл ва салоҳиятда, қийиниш-



да, юриш-туриш ва ўзини туттишда дадил, журъдли, қатъий. Бу яхши, албатта. Тўйлардаги кўр-кўрона тақлид қилишни эса ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди. “Келиннавкар”, “Love Story”, “Горко” сингари одатлар қаторида “гул отиш” ҳам кенг тарқалмоқда. Ресторанда давра турига етган келин таъзим қилган, қўлидаги гулдастани орқасида тўпланиб турган дугоналари томон отади. Гулни ким илиб олса, тез орада унинг тўйи бўлар экан... Тасаввур қилинг-а, ўша тўйда гулдастани илиб олган қизнинг отаси ёки акаси ҳам бўлса-чи. Қизи ёки синглисининг гулдастани олишга (аслида турмушга чиқишга!) ошиқётгани уларда, умуман, атрофдагиларда қандай таассурот қолдирар экан?!

— Қизимнинг машғулоти туғанини кутиб турибман, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Гулзода Маматова. — Тасодифан икки ёшнинг тортишувига ғувоҳ бўлиб қолдим. “Мен ҳамманинг ўртасида, айниқса, ота-онам, қариндошларим олдида бунақа рақсга тушмайман!” дерди норози оҳангда Йигит. “Мен эса тўйимда худди маликалардек рақсга тушишини орзу қилганман. Қанча пул кетса ҳам, тўйгача рақсга тушишни ўрганамиш. Бўлмаса, тўйни тўхтатаман!”. Наҳотки, шу гапларни ўзбек қизи айтатган бўлса. Барчанинг кўз ўнгида бундай ўнғайсиз рақсга тушишдан қандай маъно бор экан, деб ўйланиб қоламиз.

Буниси ҳали ҳолва. Айрим қувёвларнинг қайнонаси, келинларнинг қайнонаси билан вальсга тушаётганига нима дейсиз? Бу одат қайси қадриятларимизга тўғри келади? Бизнинг менталитетимизга бундай беҳаёлик ёт-ку! Қанон ёшларимиз фарб аъёналарига кўр-кўрона тақлид қилишни ўзига ор деб билар экан?..

“Иномарка машина келмаса, тўй бўлмайди!”

Тўйларда кундан-кунга урчиб бораётган яна бир иллат — машиналар қарвонидир. Бу машиналар ижараси учун тўланадиган пулга кичикроқ маърақа ўтказиш мумкин. Дабдабали, ноёб нусха машина ёшларнинг бахтини қай даражада қафолатлай олади? Энг ёмони, ширақайф жўраларнинг йўл қодаларини бузиши оқибатида келиб чиқаётган бахтсиз ҳодисалар тўғрисида неча тўйлар азага айланмоқда.

— Маҳалламизда тўй бўлди, — дейди Пайриқ туманида яшовчи уй бекаси Дилбар Норбўтаева. — Бирин-кетин санаб турдим, қувёжуралар 34 та машинани банд этишибди. Тагин ҳаммаси бир хил — зулукдек қоп-қора. Қишлоқ кўчаларини биласиз, тор, но-текис ва чанг. Машиналар қарвони қишлоқдан чиқиб кетгунча ёш болаларни кўчага чиқаролмадик. Бахтсиз ҳодиса бўлишини ким ҳам истаиди... Имконияти кўтарган оила учун балки

34 та машина ҳеч нарса эмасдир. Аммо бу оддий оилаларни ноқулай аҳволга солади. Машиналар қарвонини кўриб, ўша қувёнинг дўсти ёки келиннинг дугонаси “Менинг ҳам тўйимда шунча машина хизматда бўлсин” демайдими? Неча марта эшитганман “Иномарка машина келмаса, тўй бўлмайди!”, “Шунча машина бўлмаса, тўйга чиқмайман!” деган гапларни.

Исрофнинг уволи бор!

Бир умр меҳнат қилиб, ҳатто ўзи емай-ичмай, тоғганини тўйга йиққан оилалар кўп. Аммо улар ҳам тўйда тақлидга бериллади. Ваҳоланки, икки томон келишиб, кераксиз харажатларни қамайтириш, илҳам, мазмунли тўй ўтказиш мумкин-ку. Бир умр йиққанини бир кунда қўққа соғуриш ёки қулоғига қарзга ботиш инсоннинг ҳаётга, ашаш-иштиёқини сўндириши, елкасидаги юкни икки ҳисса оғирлаштириши бор гап-ку.

— Қўшним қиз узатди, — дейди Учтепа туманилик фахрий педагог Моҳигул Хайдарова. — Қуда томондан келган тоғораларни ортиғи билан қайтарди. Дабдабаю тўқин-сочинлик билан ўтган тўйнинг эртасига қўшним яна қизиникига нарса ташишни қанда қилмади. Хайит, байрам ва туғилган кунлар бир-бирига уланарди. Турмуш ўртоғи оламдан ўтган бу аёл ёлғиз боши билан шунча харажатни қандай эпледи? Кейинроқ эшитсам, у каттагина қарз кўтарган экан. “Ўша қарзини халигача тўлайман” деб нолиб қолди қўшним. Қарз бир кун узилар, аммо шунча дабдаба эвазига узатилган қиз онасиникига қайтиб келиб ўтирса, бундан ёмони борми? Яқинда улар қонуний ажрашди. Ўртада бир фарзанди ҳам бор. Ҳозир она шўрлик кейинги икки қизини қандай узатишни билмай ҳайрон.

Афсуски, тўйларимиздаги исрофгарчиликларнинг охири йўқ. Тўйгача борини сарфлаб бўлган тўйбошилар “базми жамшид” чоғида бировдан қарз олиб бўлса ҳам “кистир-кистир”ни қучайтиришади. Баъзи бойваччаларнинг онаси ёки отасини ўйинга тушириб, бошидан пул сочишини кўриб, ҳавасингиз эмас, гашингиз келади. Бу лўттибозликнинг кимга кераги бор, уводдан қўққиш керак эмасми?

— Тўй-ҳашамларимиз исрофгарчилик манбаига айланмоқда, — дейди Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби Одилов Исмомов. — Бир талай маросимлар — наҳорга ош, тўй келар, сабзи тўғрар, никоҳ базми, чарлар, чақирмак, хайит, қовурдоқ, бешик тўйи, ўғил тўйи ва ҳоказоларга, қимматбаҳо уй жиҳозларига катта-катта маблағ сарфланмоқда. Одамларимиз умр бўйи тоғлан-туғганини соғлигини тиклаш, яхши еб, мазмунли ҳаёт кечириш учун эмас, балки “кимўзар”га тўй қилиш учун соғураётгандай. Тўю тадбирлар-

Dolzarb mavzu

ни илҳамлаштириш, исрофгарчиликка чек қўйишнинг вақти келди. Ахир, тўйдан кейин ҳам ҳаёт давом этади. Ўзимизга қараш, соғлигимизни тиклаш, фарзандларимизга таълим-тарбия бериш масаласи эътиборимиздан четда қолмаслиги лозим. Қарзга ботиб, ҳаловатини йўқотиш кимга даркор? Нега ўзимизни бу қадар қийнашимиз керак? Нимадан қўрқамиз? Одамларнинг гап-сўзданими? Дабдабали тўйдан сўнг аҳволимиз танг бўлиб қолишини ҳам бир ўйлаб кўрайлик.

Айримлар катта тўй қилишни саховатга менгзайдилар. Аслида муҳтож одамга қилинадиган эҳсон хайр-саховатдир. Муқаддас динимизда барқарор ҳаёт кечириш учун тежамкор бўлиш ва исрофдан сақланишга буюрилади. Бунга амал қилган ота-боболаримиз ҳар бир нېъматни эъзозлашган, уни исроф қилишдан қўрққан. Ортиқча маблағ ёш келин-куёвнинг келажак ҳаётида асқотадиган зарур маиший жиҳозларга сарфланса, савоби кўпроқ эмасми?

“Маҳалламизда тўйлар тартибга солинмоқда”

Тўй-маъракаларни илҳамлаштириш, сарф-харажатларни қамайтириш ҳақида кўп гапирялмиш. Аммо уларга амал қиляпмизми?

— Маҳалламизда мингта яқин хонадон бор, — дейди Учтепа туманидаги “Беҳайрағон” маҳалла фақаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳанифа Саидзимова. — Қўнабошиларимиз қайси хонадонда тўй бўлишдан доимо хабардор. Тўй эгаларини ҳар жума маҳалла идорасига чақириб ёки уйларига бориб, тушунтириш ишлари олиб борамиш. Чарлар, қувё қаққиди, қовурдоқ, хайит тадбирлари маҳалламизда анчадан буюн ўтказилмайдилар. Ҳалол меҳнат қилиб пул тоғлан киши уни бир кунлик тантанавда сочиб юбормайди. Аёллар оқила, тежамкор бўлиб, ортиқча дабдаба, кераксиз урф-одат деб турмуш ўртоғини ҳам, бўлажак қудаларини ҳам қийнамаса, олам гулистон. Маҳалламиздаги икки қиз бир хонадонга қўш келин бўлиб тушди. Наҳотки ош тадбирини ҳам ихчамгина қилиб, биргаликда ўтказишди. Мебелни қувё томон баҳоли қудрат олди. Тоғораю совға-саломни назорат қилиб турдик. Баъзан эшитиб қоламиз, тўй бўлмасдан олдин учрашувнинг ўзига ҳам фалон пуллиқ гулдаста, тилла буюм, йўлакларига атиргул тўшалган қимматбаҳо ресторандар жой бюртма қилиб қўядиган оналар бор экан. Ўзи шунча дабдаба қилган қайнона келин томондан ҳам “саломига яраша алик” қўтиши табиий. Тўй жўнатаётганда қўйни шоҳигача безатиб, тўй тортини икки метр баландликда бюртма қилаётган аёллар кимдан ўрнак оляпти? Оила тинчлиги кўпроқ аёлларга боғлиқлигини ҳисобга олиб, яқинда “Келин ардоғидоғи қайнона” мавзусида тадбир ўтказишни режалаштирялмиш. Унда қуда-андачилик, ортиқча олди-бердиллар ҳақида аёлларга, қайноналарга тушунача бермоқчимиз.

Тўй — икки ёш бахтини, камолини элу юртга ошкор қилувчи катта тантана. Бир умрлик бахт, фарзандлар келажак тўйнинг қанчалик дабдабали, тўқин-сочин ўтганига қараб эмас, уларга болалигидан берилган тўғри тарбия, ота-онанинг ибратли ишларига боғлиқлигини унутмайлик.

Райхона ХҲЖАЕВА,
“Ma'rifat” мухбири

Ер майдонини тежаш мақсадида осмонқулар иморатлар қуриш билан овора хорижликлар энди биноларнинг, уйларнинг томларидан ҳам унумли фойдаланиш тарафдорига тушган. Япония, Испания, Сингапур, Хиндистон қурувчилари иморатларнинг томига сув ҳаваси, теннис, футбол ва волейбол майдончалари, бар, ресторан, кўнглоочар дам олиш масканлари қуриш билан анъанавий томлар ҳақидаги тушунчаларни буткул ўзгартира бошлади. Томларни майса ва гулларга буркаётган норвегияликлар эса том ёпишни ландшафт дизайни билан уйғунлаштирмоқда.

Том ишончли ва мустаҳкам бўлса

пойдевор янада узоқ чидайди

Том ёпишни санъат даражасига олиб чиқаётган архитекторларнинг ишини кузатарканмиз, келажақда бу каби янгилликлар, ажабтовур усуллар оддий ҳолга айланиши мумкинлигини тушуниб етамиз.

Чайла, капаларда кун кечирган қадимги аждодларимиз ноқулай об-ҳаводан, ёгин-сочинлардан ҳимояланиш учун том ёпишни уйлаб топган ва бунда улар шох-шаббалардан, ёввойи ҳайвонларнинг териларидан фойдаланган. Илк томлар, уларни ёпишда ишлатилган материаллар эндиликда тарихнинг бир бўлагига айлангани каби бугунги куннинг замонавий ва ҳайратланарли технологиялари ҳам олдимизда турган янги мингйилликларда ўтмишга айланиб, келажақ авлодларга оддий ва содда туюлици табиий ҳол. Қадим замонлардан буён рўй бераётган ўзгаришлар, том ёпиш технологиясининг ривожланиш йўли бунинг аққол далилидир.

Тарихга назар ташласак, тош даври одамларининг уй-жойлари чодирсимон кўринишга эга бўлиб, улар том ва том ёпишга эҳтиёж сезмаганди. Бронза даврида Европа ва Осиёда ўтrock аҳолисига эга қадимги шаҳарлар вужудга келган ва томли уй-жойларга эҳтиёж пайдо бўлган. Натижада улар хода, лой ва тўсинлар ёрдамида бир нишабли том ёпишни ўрганган. Қадимги мисрликларнинг ҳам бу борада ўзига хос услуби бўлиб, маҳаллий аҳоли уй томларини пальма дарахти шохлари ва қамишлар ёрдамида ёлган, томга эса узун ва бакуват ёғочларни тираб қўйган. Погонали гўмбазларнинг илк намуналари ҳам айнан шу ерда пайдо бўлган. Кейинчалик Юнонистонда икки нишабли томлар пайдо бўлиб, Римда у тараққий этган.

Том қуришга эҳтиёж туғилган, уни мустаҳкам ва ишончли хомаш билан қоплаш масаласи том ёпиш материаллари ичида энг қадимгиси — **сopol чereпицалар** яратилишига замин яратган. Археологларнинг топилмаларига кўра, илк чereпицалар милоддан аввалги 5000 йилда Хитойда ясалган. Бобилдаги қазилма ишларида топилган чereпица бўлаклари ҳам Хитойни-ки билан тенгдош.

Сopol чereпицалар Италияга Юнонистондан келтирилган ва бу ерда шу қадар омалашганки, натижада Рим чereпицалар шаҳри деб аталган. VIII асрда қурилган ва бизнинг давримизга келган Кальведардаги Hiersa ва Жанубий Германиядаги Lorch монастырларини ҳам римликлар қурган бўлиб, ундаги сopol чereпицалар қадим тарихдан сўзловчи қимматли ашёдир.

1212 йилда Англия қироли Иоанн мамлакатда рўй бераётган ёлганлар қиролик газнасига катта талофат етказётгани сабабли жами уй-жойлар, биноларнинг томларини сopol чereпица билан алмаштириш ҳақидаги қонунни имзолайди. Ўша пайтларда нафақат Англия, балки қўшни мамлакатларда истикомат қилувчи барча оддий фуқароларнинг уйи сомон, қамиш сингари тез ёнувчан хомаш билан ёпишган бўлиб, салгина чўг теғса, ловулаб ёниб кетаверган. Сopol чereпицалар эса сувга ва оловга бардошлилиги билан донг таратиб улгурган эди.

XVIII асрга келиб сopol чereпица бутун Европада ҳукмронлик қилади. Тенгсиз сифатлар — иссиқлини кам ўтказиши, иклим ўзгаришларига чидамлилиги, шовқинни ютиш каби хусусиятлари уни ўз даврининг энг олд ва машхур том ёпиш материалга айлантирганди. Шарқда бу материалдан асо-



сан бой хонадон эгалари сарой ва қасрларнинг беағи учун фойдаланганлар.

Ўз даврида сopol чereпицаларни ҳунармандлар ясаган бўлиб, улар бу ишнинг сир-асрорини фақат ўз авлодларигагина ошкор қилган. Шу тариқа чereпицасозлик фақат аждодлардан авлодларга ўтиб, сулолавий ҳунарга айланган.

Шундай бўлса-да, ҳунармандлар сopol чereпицалар ясада 4 унсур хизмати беқийс эканини аён қилган. Жумладан, **ер** ҳунармандларни асосий хомаш, яъни тупроқ билан таъминлаган, сув хомашени тайёр ҳолга келтириш учун, яъни лойга айлантириш, керакли шакл ва ўлчамга келтириш имконини берувчи зарурий восита ҳисобланган. **Хаво** ярим тайёр махсулотдаги намликни ҳайдашга ёрдам берган, шакл берилган лой ҳавода қуритилган. **Олов** эса юмшоқ лойни қаттиқ ва мустаҳкам бўюмга айлантирган. Оловда яхшилаб тобланган чereпицаларнинг табиат инжиқликларига — жала, дўл, қор, қуёшнинг беаёв нурларига қарши чидамлилиги ортган.

Чereпицаларнинг ҳар бирини алоҳида ясаб, оловда тоблаш қўп вақтни олгани сабабли жуда қimmatбаҳо материал бўлган. Шу боис улардан фақат бадавлат одамларгина фойдаланган. 1858 йилда айнан мана шундай материалларни ёлпасига тоблаш учун мўлжалланган Хоффман айлана печлари қашф этилди ва вазият ўзгача тус олди. Шакл берилган сopol чereпицаларни кетма-кет, узлуксиз тоблаш имконини берувчи бу печлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам оширди. Чereпицалар савдоси кенг тус олиб, ўрта-хол аҳоли қатлами ҳаётига ҳам кириб келди.

Бугун сopol чereпица ясашининг қадимги усуллари унутилиб, янги усуллар уйлаб топилган. Ишлаб чиқариш тартиби аввалгидек сақланган бўлса-да, материаллар ва технологиялар тамомила ўзгариб кетган. Эндиликда лойга махсус полимерлар ва пластификатор (хомашнинг қайишқоқлиги ва эгилувчанлигини оширувчи восита)лар қўшилиди, улардан керакли шакл яса-либ, печда қиздирилади. Сўнг тобланган чereпицалар бўйи учун юборилади. Бўйланган чereпицалар бир ой давомида махсус хоналарда қотирилади. Чereпицаларни бўйида олдинлари фақат икки хил рангдан фойдаланилган: жигарранг ва тўқ қизил. Бугун уларнинг турли шакл ва ранглилари мавжуд. Ҳар бири алоҳида бўлаклардан иборат чereпицаларнинг оғирлиги 2 кило, узунлиги 30 см.ни ташкил этади.

Дарвоқе, немисчадан таржима қилинганда "ғишт", "бўлак". маъноларини берувчи чereпицага бундай номнинг берилишига сабаб, унинг ғиштга ўхшаши ва томга ғишт каби терилишидир.

Афзалликлари: шовқиндан яхши ҳимоялайди (қаттиқ жала пайтида ҳам шовқин ичкарига деярли эшитилмайди); хизмат қилиш муддати 150 йил; оловга ва коррозияга, совуққа бардошли; кўриниши чиройли бўлиб, турли шаклдаги уй томларини муносиб бе-зайди; ғовак тузилишга эга лой қатла-ми туфайли том "нафас олиш" имко-нига эга.

Камчиликлари: бундай қопламалар оғир бўлиб, уйни қўқитиши мумкин; қопламаларнинг оғирлиги туфайли том асо-лари — ёғоч-тўсинлар сонини кўпайти-риш ва мустаҳкамлигини ошириш талаб этилади; нархи жуда қimmat.

Тунақадан шифергача

Йиллар ўтиши билан сopol чereпицаларнинг металдан ясалган вакилла-ри қурилиш бозоридан муносиб жой эгаллади. **Металл чereпицаларнинг** ҳаётиимизга кириб келиши билан анъанавий чereпицаларга талаб бироз су-сайди. Бу қопламалар шакли ва тузи-лиши жиҳатидан сopol чereпицалар-ни эслатади. Бирок у бир неча қат-ламларнинг бириктиридан ҳосил бўла-ди, шунингдек, лойдан эмас, рухлан-ган пўлатдан ясаллади. Бу материал-нинг икки тарафига полимер қоплама-лар билан ишлов бериллади. 50 йил-лик хизмат қафолатига эга бу чereпицаларнинг камчилиги шовқинни кучай-тиришидир. Яъни, металл чereпицага урилган ёлғир томчилари гўё дўл зар-басиди эшитилиб, киши асабини бу-зиши мумкин. Афзаллиги унинг енгил-лиги бўлиб, 1 м² қопламанинг оғирли-ги аттиги 3—5 кило.

Металл чereпицалар тарихи XX аср-нинг 60-йилларига тўри келади. Улар-ни илк бор Финляндиянинг Westmen компанияси ишлаб чиқарган бўлиб, 1980-йилларда эса, Пааво Ранни-ла исмли шахсга тегишли яна бир фин компанияси Rannila Steel OY бу анъа-нани муносиб давом эттирган. Улар-нинг махсулотлари бир-биридан фақат-гина ташқи кўриниши билан фарқ қил-ган бўлиб, биринчи компаниянинг ме-талл чereпицалари тўлқинсимон шакл-да бўлса, Раннила компаниясиники ба-лиқ тангачалари шаклида тахланган.

Том ёпишда ишлатиладиган яна бир анъанавий хомаш **шиферлар**дир. Қадимги Римда вужудга келган бу ма-териаллар ҳозирги вақтларидан та-момила фарқ қилган: текис ва қалин бўлган. Шиферлар ўз вақтида сopol чereпицаларга тенгаша олган таби-ий материаллар ҳисобланиб, уларни "Рим чereпицалари" деб ҳам эътироф этишган.

Замонавий шифер тарихи 1901 йилда бошланган бўлиб, шу йили ав-стриялик муҳандис Людвиг Гатчек илк бор ўзи қашф этган материалга па-тент олади. Цемент, асбест ва сув аралашмасидан иборат бу материал-га муаллиф "этернит" деб ном бе-ради. Латинчада "абайди" деган маъ-нони берувчи бу ихтиро тез орада бутун дунё бўйлаб тарқалади. 1902 йилда Гатчекча этернит учун бирин-чи йирик бюртма Австриядаги те-мир йўл станциясидан келиб тушади ва шу тариқа шифер савдоси юри-шиб кетади.

Гатчек ясси қопламалар ишлаб чи-қарувчи илк корхона Австриянинг Веклабрук шаҳрида қуради. 1903 йил-

да Гатчек корхонасининг шохобчала-ри Германия ва Венгрияда ҳам ишга туширилади. 1903—1910 йиллар мо-байнида Франция, Италия, Чехияда ҳам ана шундай корхоналар очилиб, бу ерда ясси кўринишдаги шиферлар илк бора тўлқинсимон қовурга шакли-га келтирилади. Бугунга келиб шифер-лар ҳам турли рангларга бўялмоқда-ки, бу уларнинг нафақат қўрқамлигини таъминлайди, балки ҳимоя қатлами ҳам ҳисобланади.

Афзалликлари: асбест толлари ва цементнинг ажойиб уйғунлиги шифер-ларнинг қаттиқ ва мустаҳкам тузили-шини таъминлайди, у одам оғирлиги-ни ҳам бемалол кўтара олади; металл қопламали томларга қараганда шифер ётқизилган томлар қуёшда қамроқ қизийди; зангламайди, электр токи ўтказмайди; хизмат қилиш муддати 30—40 йил; шифер ёниш хусусиятига эга эмас, асбест унинг оловга бар-дошлилигини таъминлайди, ёлғин пай-ти ўздан захарли моддалар ажратиб чиқармайди; жала ва ёлғир пайтида шовқин эшитилмайди; энг муҳими, нархи ҳамёнбон.

Камчиликлари: шиферни ўрнатиш ва ташиш эҳтиёткорлини талаб эта-ди, акс ҳолда синиб қолиши мумкин; ҳар бир шифернинг оғирлиги 20 кило-ни ташкил этади, бу ўрнатиш пайтида ноқулайлик туғдиради; ёниш хусусия-тига эга бўлмаса-да, ёлғин чоғида дарз кетиб, синиш ҳолатлари қузатилади; асбест-цемент қопламалар худди гўб-ка каби ёлғир ва қорни ҳамда сув бу-ларини шимши хусусиятига эга, бу-нинг оқибатида улар дарз кетиши ёки мўртлашиши мумкин.

Профилланган қопламалар

Рух билан қопланган, профиллан-ган пўлат қопламалар металлга мах-сус ишлов бериш йўли билан маълум шаклга киритилади. Уларни биз "проф-настил", яъни профилланган қоплама-лар деб атаёмиз. Илк бора XIX асрда пайдо бўлган бу қопламалар Шимо-лий Америка фермерлари, Жанубий Америкадаги дашт эгалари, Жанубий Африкадаги олтин қони ишчилари учун энг қулай бошлана ҳисобланган. Бун-дай томлар ҳеч қачон дабдаба ва хашаматда рақобатлашолмаган, бирок унинг бошқа қопламаларга нисбатан енгил вази чекка, тоғли худудларга ҳам осон етказиш ва ўрнатиш имко-нини берган. Натижада улар мамла-катларро кенг тарқалиб, ўз фойдала-нувчиларини осонгина топган.

Профилланган қопламаларнинг илк вакиллари қўлда ясалган мос-ламаларда тайёрланган. Бу мосла-малар қўлда айлантириладиган учта шаклдор жўвалардан иборат бўлган. Жўвалар орасига қўйилган металл япроги қўл ҳаракати ёрдамида тўлқинсимон шаклга келтирилган. Қаттиқ тузилишга эга металларни бир ҳаракат билан шаклга келтириш осон бўлмаган, албатта. Бунинг учун катта куч ва меҳнат талаб этилган. Металлга тўлқинсимон кўриниш бе-риш операциясини 1820 йилда ин-глиз муҳандиси Генри Пальмер тақ-лиф этган. Худди шу йили металлга қайноқ рух билан ишлов бериш жа-раёни ҳам қўлланила бошланган. Бун-нинг учун тунақчалар эритилган иссиқ рух билан ваннани тўлдириб, унга керакли металл япрогини бо-тириб олган. Тайёр қопламаларни томга ётқизиш жараёнида уларни бир-бирига бирлаштириш устида ҳам тунақчалар иш олиб борган ва уни қавшарлаб қўйган.

Афзалликлари: коррозия ва ёлғинга чидамли; 25 йил хизмат қи-лади; чereпица ва шиферга нисбатан анча енгил.

Камчиликлари: шовқинни кучайти-риш хусусиятига эга, ёлғир, дўл ёққанда, шовқин қучлироқ эшитилади; қуёшда қизиб кетади.

Турли даврлардан буён иморати-миз томини беазаб, ташқи иморат-дан ҳимоя қилиб келаётган қопла-маларнинг бугун хилма-хил кўриниш-лари пайдо бўлмоқдаки, юқоридаги-лар энг содда ва анъанавий томпё-кичларга айланиб бормоқда. Кела-жақда яна қандай том ёпиш ма-териаллари ҳаётиимизга кириб келиши-ни эса фақат тахмин қилиш мумкин, ҳолос.

Наргиза ШОДМОНОВА
тайёрлади.

2017-yil 23-avgust, № 67 (9028)

ТАРАҚҚИЁТ ТАНАЗЗУЛГА БОШЛАЙДИ

Арканзас университетининг собиқ астрофизиги ва математиги Дэниел Уитмирнинг фикрича, инсониятни яқин 100–500 йилликда жиддий синовлар кутмоқда. Унинг илмий-таҳлилий мақоласи "International Journal of Astrobiology" журналида чоп этилди.

"Phys.org" сайтида ёзилишича, олим технологиялар цивилизациясидан каттиқ хавотирга тушиб қолган. У миллион йиллар давомида ишониш қийин бўлиб келган эртақнамо ҳаёллар, гап-сўзларнинг рўёбга чиқаётганини, инсон учун сирли, ҳайратланарли нарсалар қолмаётганини ташвиш билан таъкидлайди.

Д.Уитмирнинг ҳисоблашича, "Homo sapiens" Ер шари тарихидаги энг ортада қолган ривожланиш шакли бўлиб, космосни забт этиш ва атом энергиясини ўзлаштириш фақат сўнгги 100 йилликда содир бўлган.

Инсоният — Ердаги ilk технологик тараққиёт шакли бўлиши билан бирга одатий фазовий цивилизацияни ҳам таснифлайди. "Homo sapiens" эволюцияси ва замонавий маданиятга етиб келгунимизча тамаддунлар назарий жиҳатдан ўрганилганда, 23 марта рўй берган.

Олимнинг фикрича, бундай ҳол давом этаверса, инсонлар ўзи учун табиат ва атроф-муҳитни заҳарга айлантириши ва ўз ҳаётига нуқта қўйиши мумкин.

13 ДАҚИҚАДА 380 ТА МАҚОЛА ЁЗАДИ

"Yonhap" ахборот агентлиги хабар қилишича, Жанубий Кореяда спорт мавзусига доир мақолалар, шарҳлар ёзишга қодир журналист-бот пайдо бўлди.

Ахборот агентлиги ишга олган мазкур "Soccerbot" номли робот Англия премьер лигаси матчида қисқача шарҳ ёзиб, янгиликлар тайёрлаган. У ўзига хос автоматлаштирилган тизимга эга.

Мазкур дастурий таъминот журналистларнинг ёзиш услуби, техникасига тақлидан яратилган алгоритмга асосланди. "Soccerbot" дастури "Yonhap"



мухбирлари ишлатган сўз, жумла ва иборалардан жамланган маълумотлар базасига эга. Хусусан, мазкур бот учрашув якунланган, ҳар бирага бир ёки икки сония сарфланган 380 та автоматик тажриба мақоласини чоп этди. Тирик инсон икки сонияда иккита сўз ёзолмайди.

Замонавий технология спорт мавзусига оид мақолани 3 bosqichda тайёрлайди: маълумотларни тўплайди, ёзади ва мусаххиллик қилади. Ҳаттоки, услубий камчиликлар устида ҳам ишлай олади. Агар у маълумотнинг тўғри ёки нотўғрилигига "шубҳа" қилса, камида 5 хил манабадан маълумот йиғиб, солиштиради.

Агентлик хабарларининг хабар беришича, 2018 йил февралда ўтказиладиган қишки Олимпия уйинларини ёритиш учун яна бир замонавий дастур "yeongChang"ни яратиш ишлари якунига етказилмоқда.

ЯНГИ ҚУРИЛМА СОТУВГА ЧИҚАДИ

"HMD Global" компанияси "Nokia 8" смартфонини намоиш қилди. Айни пайтда у нуфузли компаниянинг энг қimmatбаҳо ва сердаромад телефони саналмоқда. Бу ҳақда компания расмий сайти ва "Лента"да хабар қилинди.



Нархи 40 минг рубль (Россия)га тенг бўлган "Nokia 8" шу йилнинг 1 сентябридан сотувга қўйилади.

Смартфон 5,3 дюйм, 2560x1440 IPS-дисплейга эга бўлиб, "Gorilla Glass 5" шишаси билан ҳимояланган. Иккиламчи камера 13 мегапикселли ва оптик стабилизацияли рангли ва монохром сенсорни ўз ичига олган. Шунингдек, у фазавий автофокус, инфракизил масофа ўлчagич билан ҳам таъминланган.

"Nokia 8"нинг асосий хусусияти шуки, ижтимоий тармоқларда бир вақтнинг ўзида ҳам асосий, ҳам фронтал камерадан трансляция олиб бориш мумкин. У "Android"даги "Zeiss" оптикасига эга ilk смартфон бўлиб, овоз ёзиш функциясини ҳам бажаради. Қурилма 4 хил рангда: ялтироқ мисранг, ялтироқ кўк, оддий кўк ва оддий пўлатрангда тақдим этилмоқда.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқитувчиларни

- Бошланғич синфларда ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Биология, география, кимё фанларини ўқитиш ҳуқуқини бериш;
- Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси ҳуқуқини бериш

бўйича касбий қайта тайёрлаш курсларига ўқишга тақлиф этади.

Курсларда ўқиш муддати 7 ой. Курслардаги дарслар университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Курсларга ҳужжатлар йил давомида доимий равишда қабул қилинади ва гуруҳ шаклланган дарслар бошланади.

Дарслар куннинг иккинчи ярмида соат 14:00 дан 18:00 гача ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Вилоятдан келган ўқитувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ушбу курсларда ўқиш учун ҳар бир тингловчи томонидан 3 277 500 (уч миллион икки юз етмиш етти минг беш юз) сўм миқдоридagi тўлов амалга оширилади.

Тингловчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Диплом, илова(асли шахсан кўрсатилади).
2. Диплом, илова нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши лозим).
3. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
4. Иш жойидан маълумотнома.
5. Тиббий маълумотнома (0-86-форма).
6. 3,5x4,5 ҳажмидаги 6 дона расм.
7. Иш жойидан талабнома.
8. Ҳужжатлар тўплами учун 1 дона папка.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Низомий номидаги ТДПУнинг 2-бини, 1-қават (Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети). Ёки 3-бино 1-қават (Тайёрлов бўлими).

Мурожаат учун телефонлар: (+99890) 931-60-73, (+99897) 700-28-73, (+99871) 276-84-34, (+99897) 130-41-24.

Диққат, танлов!

"Халқ фаровонлиги йўлида биргаликда" кичик грант танлови тўғрисида эълон

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувори йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш фаолиятига қўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси Тадбиркорликни ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда "Халқ фаровонлиги йўлида биргаликда" кичик грант танловини эълон қилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган барча нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйидаги мақсад ва вазифаларни қамраб олган лойиҳалари қабул қилинади:

- қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга қўмаклашиш, бунда оилавий тадбиркорликни бошлаш (чорвачилик, қуёнчилик, асаларичилик, парранда боқиш, балиқчилик, иссиқхона қуриш, лимон ва ёнғок дарахтидан қўшимча даромад қўриш), банкдан имтиёзли кредит олиш борасида юзага келаётган муаммоларни масалаларни изчил муҳокама қилиш ва амалий ёрдам бериш;
- қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари, тижорат банклари, бизнес субъектлари билан ҳамкорликни кучайтириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни тарғиб қилиш, бизнесни ривожлантиришни кенгайтириш;

- чекка қишлоқларда яшовчи аҳоли учун қўшимча даромад олиш борасида семинар-тренинглар ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш чоп этиш, аҳолига тарқатиш ҳамда уюшмаган ёшлар ва шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, аҳолини иш билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш.

Грант танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- кичик грант танловида қатнашиш учун Жамоат фонднинг номига хат (раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим);
- www.nntfond.uz, www.ngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза (кичик грант учун лойиҳа шакли);
- охириги ўзгариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТларнинг Устави (Низомини) нусхаси;
- ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- лойиҳага ижтимоий алоқадор давлат ва жамоат ташкилотларининг қўллаб-қувватловчи хати (таъсиянома, илтимосномалари) илова сифатида келтирилиши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 5 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2017 йил 17 августдан 2017 йил 18 сентябргача қабул қилинади.

Грант танловига оид ҳужжатлар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг қуйидаги манзилида қабул қилинади: 100049. Тошкент шаҳри, , Амир Темури шохқўчаси, 14-уй.

Ҳужжатлар тўғридан-тўғри топширилганда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни +99871 233-52-41, 233-18-54, 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Уддабурон



куён

(ЭРТАК)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда мактанчоқ тулки бўлган экан. У бирор ҳайвонни тутиб олса, ҳаммага ўлкасини қандай қўлга киритганини мактаниб юркан. Дарвоқе, ўша замонларда ҳайвонларни ҳам исми бўлган экан. Мисол учун қаҳрамонимиз куёнчани Дон-дик деб аташаркан.

Куялардан бир куни оппоқ момик юнгли Дон-дик атрофида ханф-хатар борлигидан беҳабар ўрмонда қўшиқ куйлаб, сайр қилиб юрган экан. Унга тулкининг кўзи тушиб, ушлаб олибди. Оч пайтида емакка дуч келгандан бағоят хурсанд бўлибди. Ўзига куёнчани қандай ёйиш режасини туза бошлабди. Аммо бундоқ қараса, панижасига тушган куён кўриб, титраб-қақшаш ўрнига тиржайиб, кулиб турганини.

— Эй, куён нега куласан? Ахир, ҳозир ҳолингга маймунлар ййғай деб турибди-ку. Сен бўлсан меҳмонга кетаётгандек тиржайсан, — дебди.

— Ўзингиз биласиз, тулки жаноблари, ҳамма ҳайвонлар ўз номини қўшиқ қилиб куйлашпти. Мен ҳам қўшиқ айтиб келаётган эдим. Тўғриси, ўрмонда мени танимайдиган ҳайвон топилмайди. Фалончи қўшиқчи куёни тутиб олдим десангиз, бас, сиз ҳам машҳур бўлиб кетасиз. Хоҳласангиз, сизга ҳам қўшиғимни айтиб беришим мумкин.

Тулки унинг қўшиғига қизиқиб қолиб, бир эшиттиси келибди.

— Қани, бўлмаса, вақтни чўзмай қўшиғининг бошла, — дебди.

Куёнга тулкининг шу гапи керак экан.

— Тулкиларнинг фаросати, ақлли жон-эотлигини билардим сиздайини учратмагандим. Уларнинг ичиде энг доноси бўлсангиз керак. Фақат, илтимос мен қўшиқ қуйлаётганимда уни бўлмасликка сўз беринг, — дебди.

Тулки ўз номи билан қасам ичибди.

— Шошманг жаноб, қасам ичилганда гувоҳлар бўлиши керак. Бунга яхши билсангиз керак? — дебди куён ишни пухталаб олиш учун. Тулки бу шартга ҳам рози бўлибди. Куён ҳайвонлар олдиде тулкининг ваъдасини олгач, қўшиғини бошлабди.

— “Дерсиз отинг қанақа, тингланг мана шунақа — Дон-дик каравин воки дикки...”

Унинг оти шунақа узун эканки... Кечирасиз болажонлар, мен ҳам унинг номини тўлиқ ёза олмадим. Тулки ҳам куённинг номини ҳеч қачон ёдлаб ололмастлигини ўйлаб, хунуб бўлибди. Бунинг устига куёновий қўшиғини бир жойда айтмас, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа муқом билан юрганча қуйларкан. Атрофдаги дўстлари уни олқишлаб, чапак чалишини айтмайсизми? Буларнинг бари тулкининг ҳизилдонига келса-да, ноложб чидабди. Ахир, у қасам ичган. У куённинг ортидан эргашиб, борган сари ҳолдан тойганини ҳис этибди. Мактанчоқ бўлса-да, ориятли экан. Ваъдасига кўра қўшиқни бўлмабди. Нафсини тийиб, куёндан юз ўтирибди. Мабода чидам билан қўшиқни охиригача эшитганда ҳам, куён узундан-узоқ ном тўғишда давом этиб, уни хароб қиларкан-да. Шундай қилиб, дуяко куён ақл билан айёр тулки чапгалидан омон қолибди.

Ҳидоят ОЛИМОВА

Неча кундирки, Мунаввар опанинг дили хуфтон, қўли ишга бормайди. На ётганида, на турганида ҳаловат бор. Юраги ҳам “хунар” кўрсатяпти: бот-бот санчиб, оғриқ беришпти. Қон босими дегани аса дард устига чиқсон бўлди. Мана, бутун ҳам боши гир айланиб, кўз олди қоронғилашиб, қўнгли беҳузур. Яхшим, келини уйда экан. Зумда дори-дармон қилиб, ўзига келмагунча тепасидан бир қадам ҳам жимади. Кейин чой дамлаб келиб, ичишга ундади. Мунаввар опа чойдан энди ҳўплаган эди, турмуш ўртосининг овози эшитилди:

— Сента неча марта айтдим, йўқ, неча марта айтдим, йиғиштир шу ишининг деб!

— Устоз...

— Ие, Дилноза! — Мунаввар опа уни кўриб бошида хурсанд эди, яқинлашгач, юрак-бағри аэилиб кетди. Дарсдан сўнг, қизчаги ёнига чорлади.


— Устоз, дарсингизга кеч қолдим, — Дилноза кўзаларини ерга қадаб узрга чоланди.

— Бу гапларни қўй, ўзинг тинчмисан, болам? — деди Мунаввар опа хавотирланиб. — Ким хафа қилди? Яна холангми?

— ...

— Ҳозирок учрашгани бораман.

Устознинг шадл билан ўрнидан кўзгалганини кўриб, “Йўқ!” деб юборди у кўркув-



Уйда невараларинга қараб ўтирсанг асаканг кетадими? Пенсияга оа қолди, ишлаб турай, дединг. Индамадим. Мана, оқибат! Биров миннатдор бўладими сендан?

— Дадаси, касал эмасман... — Мунаввар опа базўр эътироф билдирди. — Чарчоқдан бу.

— Шунга айтмадими мен ҳам, — Азим ака сента гапириб бейойда, дегандай қўл силтади.

Мунаввар опа мунгайиб қолди. Нега уни ҳеч ким тушунишни истамайди? Бир умр мактабда — болалар орасида ишлаган одам қандай қилиб тўрт девор ичиде қамалиб ўтиради? Қайтага, болалар билан овунади, чалириди, касаллиги ҳам сезилмайди.

Аммо эрининг гапига жон бор. Мактаб учун яралгансан, дейди Азим ака алам билан. Нима қилсин, қон билан кирган-да! Отаси ҳам, онаси ҳам ўқитувчи ўтган. Мунаввар опа ўша музидега унинг-ўсган, тарбия олган. Мактаб унинг тақдирига айланб қолган.

У эрига ёлгон гапирди. Бетоблигининг сабаби чарчоқ эмас, яқинда мактабни битирган ўқувчиларини соғиниб, ичюиб қолапти. Юрагига чироқ ёқса ёришмайди. Бунчалик бўлади, деб ўзи ҳам ўйламаган эди. Ўттиз йиллик иш фаволияти давомида қанчадан-қанча йилит-қизларни мактаб осто-насидан катта ҳаётга учирма қилган, бироқ ҳеч бирини бунчалик бўлмаган.

Ўқувчиларини эслаши билан мишжжалари намланади, юраги жиз этиб ачшиганини ҳис қилади. Ахир боласидай эди-да, улар! Вақти келганда қаттиқ гаширди, барига босди. Улар ҳам йил ўн икки ой Мунаввар опанинг ёнида бўлди. Таътил чоғи болалар устозни гоҳ ўйига, гоҳ мактабга келиб йўқлаб кетар, нималар билан машғул эканликлари ҳақида бири қўйиб-бири гапириб беради.

Энди уларсиз... Ҳар партаси болажонларини эслатадиган синфхонага қандай киради? Ҳайҳотдай хона ютаман, деб хувилаб ётандир. Шу дам қатор партаалар ортидан унга “Устоз, мен айтмай!” деб термулиб турган, чуқурлашган ўқувчилари кўз олдида келди. Ана, Дилноза! Ҳар доимгидек, оғир-босиқлик билан уялиб қўла кўтаряпти. Ўзи аълочи, ақлли, кўп дарсли билди. Лекин тортиқочанидан дарсларда жавоб беришга ийманади. Камгалигидан синфда бор-йўқлиги ҳам сезилмайди. Баъзан пазифаларини ҳеч ким йўтиди, Мунаввар опанинг ўзига келиб, топириб кетди. Унга қўйини: ота-онасидан эрта айрилиб, холасининг қўлида катта бўлди. Хола иккинчи она, деталари баъзан тўғри чиқмас экан.

дан дағ-дағ титраб. “Ўзим айбдорман барига...”

— Аллама! Сени билмасам экан, гапингга ишонсам, — Мунаввар опа туттақиб кетди. — Нега улар бундай, а?

Дилноза энди милт-милт кўзёш тўқа бошлади, эгик боши баттар эгилиб, елкалари силкиниб-силкиниб кўярди.

— Сенинг онанг менман, қизим, — Мунаввар опа бу гапни йўлига эмас, ич-ичидан айтди. — Энди айт, нима бўлди?

— Холаминикида тўй, қиз узатяпти, — Дилноза ўпкасини сал босиб олди. — Бир ҳафтадан бери ўша ердан қатнайман мактабга. Ишлар кўп, овора бўлиб, қичик холаминикига бориш ёдимдан кўтарилибди... Ишдан қочган кишига чириб қолдим. “Кир тордай уқолиб кетган, уйда оёқ босгани жой қолмади”, деб ҳамманинг орасида уялтирди.

Дилноза юзини ҳовучлари орасига беркитиб, ййғлаб юборди. Нозик жуссаси шамол ҳар ёнга ағастган ниҳолдай титради. Мунаввар опа уни овулмади, ўа ҳолига қўлиб берди.

Қизга ҳула-беҳуда жаврашлар то катта холанинг арзанда қиз тўйдан бир йил ўтар-ўтмай, ота уйига бутунлай қайтиб келгунинга қалар давом этди. Арзанда қизнинг муаммоси билан овора бўлиб қолишди, ҳартутул, Дилнозани биров тинч қўйишди. Қиз аста-секин ўзига келиб, ўртоқларига қўпила бошлади. Юзига ранг югуриб, лабига табассум ичди. Дутоналари билан тил топишиб, дарсларда фаол қатнаша бошлаган пайтида мактаб ҳам яқинлашиб қолди. Бу ёнига унинг ҳаёти қандай кечаркин?

Ана шундай ўй остида қолган Мунаввар опанинг кўз ўнгиде энди Миразиз намоён бўлди. Кўзалари уйқусизликдан қизариб юрадиган бу бола охириги партада мункайиб ўтирарди.

— Миразиз, болам, сента нима бўлди? Нега ёнбош тортиб кетаялсан! Қани, қалдипти ростла-чи! Бунақада буқри бўп қола-сан.

Мунаввар опа уни енгил қойиб кўярди. У билди: Миразиз оиласига ёрдам қилиш учун ярим кечгача устачилик қилади. Тунукадан рўзғорда ишлатиладиган буюмлар исаб, сазар пайти бозорга топширади. Отаси бето, тўшакка миқиланиб қолган. Онаси эса уйда ул-бул пишириб, маҳалла гузаридеги дўконларга сотиб келади. Бухтур синфдаги ҳамма болалар ййғилиб, Миразизлариникида ҳашар уюштиришди. Деворларни суяб, бўяб беришди. Ўшанда Миржарим уста уларни узоқ дуо қилган, “Ўлим ёлғиз эмас экан” деб қўнгли тоғдай кўтарилганди.

Мунаввар опа шуларни эслаб оғир кўрсинди. Бу қоракўзаларинг бошлангич синфдан чиққанига беш йил бўлибди. Бирпасда тўғизинчи синфини тамомлаб қўйишди. Мунаввар опа шу беш йил давомида уларнинг ҳаёти билан яшади. Гоҳида ўзининг ўғил-қизин ундан араалаб қоларди: “Сизга фақат мактаб ва ўқувчиларингиз керак” деб. Нима қилсин, уларга қаттиқ боғланиб қолган. Ҳатто энг қулоқсиз ўқувчиси Жасури ҳам яхши кўрарди. Ерга урса қўкка сапчийдиган бу бола дарсга доим қиймлари чап-чунг афтода кириб келарди.

— Жасур, бу яна нима аҳвол? Қийим-бошинг қачон эпаккага келади? Кап-катта ййғит бўп қолдинг. Уйдан тушпа-тузук чиқасан, мактабга келасану майдонда копток тепасан. Онанг шўрликнинг қўли тоғордан чиқмайди-ку, бу туришда.

— Хўп, устоз. Қайтиб тақорланмайди. — Жасур ҳамишаги жавобини айтишдан ҳеч тортинамасди. Бўйинг чўзилгур, ўзи яхши бола.

Ҳалдан зиёд шўх бу бола фақат Мунаввар опанинг дарсида тинч ўтирарди. Бошқа ўқитувчилар унинг қулоқсизлигини даволаб, шикоят қилганлариде:

— Қалитни тополмайсанлар, — дерди опа қулиб.

— Қанақа қалит? — сўрарди ўқитувчилар елка қисиб.

— Боланинг дунёси қулф солинган катта сандиққа ўхшайди. У билан тил топишиш учун, аввало, ўпа қулини оча олади-кан қалит керак, — дерди Мунаввар опа жиламайиб. — Бунга ҳечам есдан чиқарманг.

Ана ўша қалитни топа олган эди у! Ҳар бир болага феъла-авторига қараб муомала қиларди. Ёки уларга қаттиқ боғланиб бекор қилдимикан? Балки шунда бунчалар соғиниб, қийналиб ўтирмаган бўлармиди... Эри рост айтди! Мактабдан бўшайди! Синфхонасига кириб, яна дарс ўтишга ортиқ кучи етмайди. Йўқса, холаининг ҳар бурчидан ўқувчиларининг овози эшитилиб тургандек, юраги ўртанаверади.

Мунаввар опа тўншакдан оғир кўзгалди. Бош тарафидеги столи пайпаслаб, доринини қилдирган бўлиб, тополмади. “Келини ошхонага олиб чиққандир”, деган хаёл билан ўрнидан туришга уриди. Бироз боши айлангандай бўлди ўтиб кетди. Уйдагиларини ҳам кўрқитиб юборди. Қичик невараси ҳам кўрнмай қолди, келини “шовқин солмасин” деб ойисиникига жуънатган, шекилли. Мунаввар опа бир-бир қадам босиб, меҳмонхонага чиққан эди, эшик қўйи-роғи жириглади. Жамилаҳон югуриб бориб эшикни очди. Қўрқидоқ келин меҳмон билан қулоқ сўрашувчи эди, бу гал унинг овози эшитилмади.

— Ким экан, Жамилаҳон? — овоз берди Мунаввар опа ҳайрон бўлиб.

Келини меҳмонхонага аста мўралаб:

— Болаларингиз келишди, ойижон! — дея пичирлади кўзалари ёниб.

Опа қизларининг қутималганда келади-ган одати йўқлигини билгани учун ҳайрати янада орғди.

— Ўзингизнинг болаларингиз!

...Синфга бир назар ташлаши билан ким бор, ким йўқлигини пайқайдиган Мунаввар опа, ҳозир ҳам меҳр тўла нигоҳлари билан “йўқлама” қилиб олди. Бутун бошли синф унинг қичқона меҳмонхонасига жам бўлганди. Мунаввар опа бетоблигини ҳам унутиб, тузалиб қолгандек кўринди. Миразиз, Дилнозасини кўриб, юрак оғирини унутди. Жасури эса, роғт қулидриверганидан ҳаммаининг ичгаи уялди. Устоз унга бошдан оёқ раам соларкан, мамтун бош силкиб қўйди.

Наргиза ШОДМОНОВА

2017-yil 23-avgust, № 67 (9028)

Полвонларимиз Осиёда тенгсиз

Юртимиз полвонлари Эроннинг Божнурд шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этиб, 3 оltин ва 1 кумуш медалини қўлга киритди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Осиё-Океания кураш конфедерацияси тақвим режаси асосида ўтказилган нуфузли мусобақада 20 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Қизгин ва мурасосиз кечган баҳсларда қатнашган 5 нафар ўзбекистонлик полвон Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Вазни 66 килограммгача бўлган курашчилар ўртасидаги беллашувларда Эркин Қозоқов барча рақибнинг курагини ерга теккизиб, оltин медалга сазовор бўлди. Вазни 73 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида яна бир ҳамюртимиз Мадийр Эркинов қўлға тенгсиз эканини исботлаб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мутлақ вазн тоифасида (+100 килограмм) гиламга чиққан Суҳроб Эгамбердиев ҳам вазн тоифасида беллашган Бунёд Турсунов кумуш медал билан тақдирланди. Шу тариқа Осиё чемпионатида 3 оltин ва 1 кумуш медал жамғарган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида қўлга биринчили-



гининг голиб ва совриндорларини тантанали қўтиб олиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон кураш федерацияси мутасаддилари, ота-оналар, спорт мухлислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Ўзбек миллий кураши ўзининг муносиб ўрнини топиб, дунё миқёсида тобора оммалашаётгани қувонарли, — деди кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийи Олим Равшанов. — Бу галги Осиё чемпионатида ҳам шогирдларимиз зафар қўчди. Мазкур муваффақиятлар билан чекланиб қолмай, халқаро ареналарда юртимиз байроғини баланд кўтарувчи ёш курашчиларимиз сафини янада кенгайтиришга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Зарина АЛИМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

Зоминлик чемпионлар

Яқинда Филиппинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 3 тадан оltин ва кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритган мамлакатимиз боксчилари умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Зоминлик ёш боксчилар терма жамоа сафида қўлга киритилган галабага муносиб ҳисса қўшдилар. 2001-2002 йилларда тутилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида 18 мамлакатдан 150 дан зиёд спортчи қатнашди.

Зомин бокс мактаби вакилларида бири Шохрух Алматов 80 кг.дан юқори вазнда барча рақибларини мағлуб этиб, оltин медалга сазовор бўлди. У финалгача бўлган жангда Қирғизистон, Ҳиндистоннинг моҳир чарм-қўлқоп усталарини мағлуб этди. Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида илк машғулотларини бошлаган ҳамюртимиз бундай юксак галабага эришгунча қўллаб мусобақаларда синовдан ўтди. Ўз вазнида Ўзбекистон чемпиони, қатор давлатларда ўтказилган халқаро турнирлар голиби бўлди.

— Шохрух ноёб истеъдод эгаси, — дейди мураббийи Отамурод Тошмуродов. — Барча спорт турида бўлгани каби бокснинг ҳам ўзига хос сирсиноатлари бор. Шогирдим машғулотларда қийинчиликлардан қўчмайди. Рингда галаба учун астойдил курашади. Насиб этса, жаҳон чемпионатларида ҳам юқори натижаларни қайд этиб, олимпиада ўйинларида иштирок этади.

Осиё чемпионатида яна бир вакилимиз Камрон Раҳмонов 80 кг вазнда бронза медалини қўлга киритди. У ҳам Зоминдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси. Умидли



Bolalar sporti



боксчи кўп йиллардан буён устозлари Баҳром Ашуров, Отамурод Тошмуродов қўл остида маҳоратини ошириб келмоқда.

— Фарзандларимнинг спортчи бўлишини орзу қилардим, — дейди Камроннинг отаси Абдумалик Мамасолиев. — Мустақиллик туйфали юртимизда болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши

учун яратилган имкониятлар сабаб ниятим рўёбга чиқди. Камрон эришган ютуқларда мураббийларининг хизмати катта. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнунмиз. Ўғлим бу ютуқлари билан чекланиб қолмай, келгусида халқаро мусобақаларда ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, боксчиларимиз эришган муваффақият мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ғамхўрликнинг мевасидир. Сўнгги йилларда туманда спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам чемпионлар сони ортмоқда. 20-мактаб ўқувчиси Муҳаммаджон Норбўтаев ўзбек жанг санъати бўйича республика чемпионатининг голиби, 75-мактаб ўқувчиси Дилфуза Умирзокова оғир атлетика бўйича 40 кг

вазнда Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. «Ёз — 2017» спорт мусобақаларида волейбол бўйича ўсмирлар ва қизлар жамоалари вилоятда 1-ўринни эгаллагани ҳудудда жисмоний тарбиянинг тобора оммалашиб бораётганидан дарак беради.

Абдусаттор СОДИКОВ
Жиззах вилояти



НАДАЛЬ — ЯНА ЕТАКЧИ

Испаниялик теннисчи Рафаэль Надаль сўнгги уч йилда илк бор Профессионал теннисчилар ассоциацияси рейтингига етакчисига айланди, дея хабар берилди мазкур ташкilot расмий сайтида.

Рафаэль ҳисобида айна вақтда 7645 очко бор. Ундан кейинги поғонага британиялик Энди Маррей жойлашди. Кучли учликдан яна бир номдор ракеткачи швейцариялик Рожер Федерер ўрин олди. Эътиборлиси, Энди ҳамда Рожер жароҳати туйфали Цинциннати шаҳрида кечган халқаро турнирни ўтказиб юборди. Бу эса 31 ёшли Надальнинг етакчилигига қайтиши учун имконият бўлди. Станислас Вавринка (Швейцария) ва Новак Жокочич (Сербия) кейинги ўринларни эгаллади.



СЎНГИ ЖАНГА ТАЙЁРГАРЛИК

Америкалик боксчи Флойд Мэйуэзер аралаш турдаги кураш(ММА) устаси, ирландиялик Конор Макгрегорга қарши фаолиятидаги энг сўнгги жангини ўтказишга ўзгача тайёргарлик кўрмоқда.

ТАССда ёзилишича, у ўзининг Instagram ижтимоий тармоғидаги саҳифасида бу ҳақда қисқача изоҳ қолдирган. Жанг санасигача шахсий клубида мухлислари билан учрашиб, суҳбатлашади. Шу орқали муҳим жангга руҳий қувват тўплайди.



Флойд 2015 йилда қўлқопларини миҳга илганди. Бироқ кўп ўтмай яна рингда қайтди ва ҳозирча охириги жангига ҳамюрти Андре Бертодан устун келганди.

Макгрегор билан муштлашув 26 август куни Лас-Вегасда бўлиб ўтади.

УНИВЕРСИАДА БОШЛАНДИ

Тайваннинг Тайбэй шаҳрида дунё талаба-ёшларининг навбатдаги ёзги Универсиада мусобақалари бўлиб ўтаётгани ҳақида «Спорт» наشريда хабар берилди.

19—30 август кунлари ўтказиладиган ушбу нуфузли мусобақанинг дэюдо баҳсларида дастлабки голиб ва совриндорлар аниқланди. Хусусан, 81 кг вазн тоифасида жанубий кореялик полвон Ли Син Су финалда россиялик Аслон Лаппинаговни енгиб, оltин медалини қўлга киритди. Бронза медаллари эса германиялик Робин Гуче ва италиялик Винисис Таранто Панинига насиб қилди.



TAIPEI 2017

29th SUMMER UNIVERSIADE



ПОЛВОНЛАР — ПАРИЖДА

Париж шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди. Унда жами 24 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилиши ҳақида «ТАСС» наشريда ёзилди.

Мазкур мусобақалар 8 вазн тоифасида ўтказилмоқда. Чемпионатта муҳташам «Аккор-Хотелс» аренаси мезбонлик қилмоқда.

Эслатиб ўтаимиз, юнон-рум кураши бўйича дастлабки жаҳон чемпионати 1904 йилда, эркин кураш бўйича чемпионат эса 1951 йилда, аёллар кураши баҳслари 1987 йилда ташкил этилган. 2005 йилдан буён бу уч спорт тури бўйича жаҳон чемпионати бир пайтда бир манзилда ўтказилляпти.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Ҳурматли ҳамкасбимиз ва устозимиз
Зубайра АРИНОВА!

Сизни муборак 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қўтлаймиз!

Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилаймиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз камоллини кўриб юришдек бахт-иқбол сизга доимо насиб этсин. Шарафли касбингиз орқали топган обрў-эътиборингиз билан доимо эъзозда бўлинг.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,
Сергели туманидаги
300-мактаб жамоаси.





Энг азий байрамга тарадду

Кўркам ва саришта маскан инсон кайфиятини кўтариб, меҳнатга рағбат уйғотади. Байрам, тўй-ҳашамлар олдида барча жойларни обод қилиш юртдошларимиз руҳига сингиб кетган қадрият. Халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги умумхалқ хайрия ҳашари мисолида яна бир бор яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида жорий йил август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, 19-20 август кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари кuni деб эълон қилинди.

Халқимизга хос меҳнатсеварлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик рамзига айланган ушбу ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида, энг чекка қишлоқ ва овулларда, маҳаллаларда қизгин ўтказилди. Унда 18 миллион 675 мингдан зиёд юртдошимиз фаол қатнашди. Уларнинг 12 миллион 424 минг нафардан ортиғи ёшлардир.

Шунингдек, таълим муассасаларида ҳам август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги деб эълон қилиниши муносабати билан юртимиздаги барча муассасаларда ҳашар уюшқоқлик билан ўтказилди.

Педагоглар ўзлари фаолият юритаётган таълим муассасаларини янги ўқув йилига тахт қилиб, синфхоналарни тартибга солишди. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Нукус шаҳридаги ҳашарда 79182 нафар киши, шундан 42393 нафар ёшлар иштирок этиб, шаҳарнинг яна ҳам обод, гўзал бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Ободонлаштириш ишларига 58 та махсус техника ажратилиб, 129 тоннадан зиёд чиқинди шаҳардан ташқаридаги белгиланган жойларга чиқариб ташланди. 100 мингдан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. Икки кунлик ҳашар давомида кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди.

Тўрақўрғон туманидаги 44-умумтаълим мактаби педагоглар жамоаси умумхалқ ҳашарида таълим муассасасини кўркам қиёфага келтириб, ўзлари истиқомат қиладиган маҳаллалар сари йўл олишди.

— Бунёдкорлик ва саришталик миллатимизга хос фазилат, — дейди мактабнинг олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Юнусали Каримов. — Мактабимиз ҳудудидаги барча дов-дарахтларга шакл бериб, оқладик. Йўлаклар, хиёбонлар, ариқлар тозаланди. Ўқув биноси янги ўқув йилига тайёрлиги яна бир бор кўздан кечирилди.

Бу жараёнда бухоролик педагоглар ҳам фаол қатнашди. Биргина халқ таълими тизимида 50 мингдан ортиқроқ катта жамоа ҳашарга жалб этилди.

— Бошқа соҳа вакилларида, фарқли ўлароқ,



ЎЗА суратлари

Мустақиллик кuni биз ўқитувчилар учун қўшалоқ байрам, — дейди Шофиркон туманидаги 3-мактаб директори Нигора Йўлдошова. — Шу боис ҳам тайёргарлик ишлари юксак савияда ташкил этилади. Ўн бир йиллик таълимнинг жорий этилиши туфайли бу йил мактабимизда иккита 10-синф очилди. Шунинг ҳисобидан ўқувчиларимиз сони қарийб олти юз нафарга етди. Педагогик жамоамиз сафи ҳам кенгайди. Ҳашарда уларнинг ҳаммаси бирдек ташаббус кўрсатди. 720 ўринли муассасамизнинг барча синфхоналари, ошхона, спорт зали ва майдончаси тозаланиб, ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Мактаб атрофидаги ер участкаларида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бордик. Гулзорлар декоратив кўринишга келтирилди, юздан ортиқ дарахт оқланди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА,
Ғанишер АҚБАРОВ,
Ирода ОРИПОВА,
“Ma'rifat” мухбирлари

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan ва маданият
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. G-815. Tiraji 34151.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqриз
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'ZA yakuni — 22.45 Topshirildi — 23.20

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Nabatchi muharrir:
Xayrulla ABDURAHMONOV.
Nabatchi:
Faxriddin RAHIMOV.